ИШОНЧ

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг газетаси • 17 апрель 1996 йил, ЧОРШАНБА • № 30 (277)

КЎКЛАМ - МЕҲНАТ БИЛАН КЎРКАМ

Янгийўл туманидаги «Ниёзбош» жамоа хўжалиги пахтакорлари бу йил катта марраларни қўзлашган. Ўтган йилни яхши якунлаган хўжалик заршунослари шу кунларда ерга барака уруғи қадашни уюшқоқлик билан олиб боришмоқда. Далада 21 та чигит экиш сеялкаси ишламоқда.

Хўжалик аъзолари 1121 гектар майдонга «С-65-32» нав уруғни экишни режалаштиришган. Хўжалик бошқаруви касаба уюшма қўмитаси билан ҳамкорликда далада ишловчиларга қулай шарт-шароитлар яратишга катта эътибор бермоқда.

Суратларда: хўжалик касаба уюшма қўмитасининг раиси В.Қодиров (юқоридаги сурат-ўртада) механик А.Шахромов (ўртада) механизаторлар билан; илғор бригада бошлиғи М.Миржамолов.

Рашид ГАЛИЕВ суратлари.

Ички ишлар нафаси

МДҲ МАМЛАКАТЛАРИДА

Россия Президентлигига номзодларнинг Марказий сайлов округига расмий ариза билан мурожаат этиш муддати тугамоқда. Сайловолди курашларида ҳозирча Борис Ельцин ва Россия коммунистлари раҳбари Геннадий Зюгановлар олдинда боришмоқда. Сайловчиларнинг тўла қўллаб-қувватлашига эришиш мақсадида Б.Ельцин Чеченистонда уруш ҳаракатларини тўхтатишга интиляпти. Шу ҳафта давомида у ўзининг сайловолди учрашувларини Ставрополдан бошлайди. Г.Зюганов эса, Уралга боради. Президентликка бошқа номзодлар М.Горбачев ва В.Жириновскийлар имкониятлари умид қилишга арзимайдиган даражада баҳоланмоқда.

***

Чеченистондаги Россия қўшинлари қўмондони В.Тихомировнинг якшанба куни маълум қилишича, қўшинларни республикадан босқичма-босқич олиб чиқиш кечаги душанбадан бошланиши керак эди. Россия ахборот агентликлари мухбирлари билан суҳбат чоғида В.Тихомиров айтганидек, қўшинлар фақат тинч вазият ҳукм сураётган жойлардангина олиб чиқилади. Ҳарбий ҳаракатлар қайта бошлангудек бўлса, қисмлар аввалги жойларига қайтарилади.

Ҳозир Бирлашган Араб амирликларида дам олаётган Татаристон Президенти М.Шаймиев Россия-Чеченистон мажаросини ҳал этишда воситачилик қилишга рози бўлди. «Интерфакс» агентлиги Татаристон Президенти вакилининг гапларига таяниб маълум қилишича, Ж.Дудаев Чеченистондаги вазиятни тула қулга олган. У қатъий интизомга буйсинувчи кучли ҳарбий тузилмаларга эга. Уша вакил яна, гап қандайдир ҳарбий бандалар ҳақида эмас, юксак маънавий қувватга эга бўлган чинакам армия ҳақида боряпти, деб таъкидлаган. Унинг фикрича, Минтемир Шаймиевнинг Ж.Дудаев билан дастлабки учрашуви апрелнинг оҳирларида содир бўлиши мумкин.

***

Россия ва Озарбайжон ҳуқуқни муҳофаза этиш органларининг биргаликдаги ҳаракатлари натижасида ўтган якшанба куни Москвада Озарбайжоннинг собиқ мудофаа вазири Рагим Ғозиев қўлга олинган. Озарбайжон Республикаси ички ишлар вазири Усубов «Интерфакс»га шуни маълум қилган. Р.Ғозиев ҳамда қатор юксак лавозимли Озарбайжон ҳарбийларига Тоғли Қорабоғ учун урушдаги маглубият билан боғлиқ айб қўйилмоқда. Жумладан, Р.Ғозиев стратегик муҳим аҳамиятга молик икки қишлоқни душман қўлига топширганликда айбланади.

Россия ички ишлар вазирлиги якшанба куни Озарбайжоннинг собиқ Президенти Аёз Муталибов қўлга олинганлиги ҳақидаги хабарни тасдиқлади. Бир кун олдин вазирлик бундай хабарни рад этган эди. Озарбайжон ҳукумати собиқ президентни ҳозирги давлат бошлиғи Г.Алиевни агдариб ташлаш мақсадида уюштирилган фитнада айбламоқда.

ХОРИЖДА

Утган якшанба куни АҚШ Президенти Б.Клинтон бир ҳафталик сафар билан Вашингтондан жўнаб кетди. Сафар мобайнида у Жанубий Корея, Япония ва Россияда бўлади. Шу мамлакатларнинг ҳаммасида Америка Президенти асосан ҳавфсизлик масалаларини муҳокама этмоқчи. Осиё мамлакатларида у минтақада ҳавфсизликни таъминлаш борасида АҚШ уз мажбуриятларига содиқ қолишини яна бир бор таъкидлайди. Россиядаги олий даражали учрашувлар чоғида Б.Клинтон ядро ҳавфсизлиги масалаларини муҳокама этишга ургу бермоқчи.

Америка Президенти биринчи бўлиб Жанубий Кореянинг курорт ороли Чет-Жуда тўхтаб, у ерда мамлакат Президенти Ким Ен Сам билан учрашди. Бугун Б.Клинтон икки кунлик ташриф билан Японияга боради. Сунгра у Россияга йўл олиши керак.

***

АҚШ мудофаа вазири У.Перрининг Японияга келган кунини минглаб японлар Америка ҳарбий базаларининг мамлакатда сақлаб қолинишига қарши норозилик намойишлари билан кутиб олдилар. Ҳавфсизлик борасидаги ҳамкорлик масалаларини муҳокама қилишни кўзда тутган У.Перрининг икки кунлик ташрифи шу мамлакатга Президент Б.Клинтоннинг ташрифи арафасида ўтмоқда. Япония бош вазири Ритаро Хасимото билан якшанба кунги учрашувда мудофаа вазири Шарқий Осиё минтақасида экстремал вазиятлар юз берган вақтларда Япония билан ҳамкорликни кучайтиришга рози бўлди. Учрашувда Окинавадаги америка қўшинларини камайтириш тўғрисидаги масала ҳам кўриб чиқилди. Америка ҳарбийларининг Японияда бўлишига қарши аҳоли ва касаба уюшмаларининг норозилик намойишлари мамлакатнинг уч шаҳрида бўлиб ўтди.

***

Кетма-кет тўрт кундан бери Исроил қўшинлари билан Ливан жанубида жойлашиб олган «Хасбаллоҳ» экстремистик гуруҳлари ўртасидаги жанговар ҳаракатлар давом этмоқда. Исроил Ливан жануби ва Байрут атрофларида «Хасбаллоҳ» гуруҳлари позицияларини артиллериядан ўққа тутмоқда. Исроилнинг 4 кунлик бомбардировкалари натижасида Ливанда 26 киши ҳалок бўлган, 100 га яқин киши яраланган. «Хасбаллоҳ» жангариларининг ракеталардан ўққа тутиши натижасида Исроилда 40 киши яралор бўлган.

БМТ Хавфсизлик Кенгаши ва Араб давлатлари Лигаси Ливан илтимосига кўра Яқин Шарқдаги рўй берган бўҳрон бўйича Фавқулодда мажлис ўтказишга қарор қилдилар. Хавфсизлик кенгаши мажлиси кеча - душанба куни, яъни араб мамлакатлари ташқи ишлар вазирларининг Қоҳирадаги учрашувидан икки кун олдин бошланди. Мажлисда Исроилнинг Ливиядаги ҳарбий операциялари муҳокама этилади. Айни пайтда Ливан бош вазири Р.Ал-Ҳаририй якшанба куни Қоҳирада Миср Президенти Ҳусни Муборак билан учрашди. Учрашувдан сўнг бош вазир Исроилни ва «Хасбаллоҳ» гуруҳларини уруш ҳаракатларини тўхтатишга даъват этди.

***

Шимолий Корея раҳбарлари мамлакат аҳолисини жанговар тайёргарликни кучайтиришга даъват этишди. КХДР Олий партия, ҳукумат ва ҳарбий раҳбарларининг Шимолий Корея давлатининг асосчиси Ким Ир Сен туғилган кун муносабати билан ўтказилган мажлисида шундай баёнот берилган. Кейинги вақтларда тарғиботташвиқот органлари Жанубий Кореяга қарши қаратилган компанияни авж олдириб юбордилар. Шимолий Корея ҳарбий хизматчилари ўтган ҳафта мобайнида тинчлик бўйича сулҳ шартларини кўп марталаб бузди лар - Корея шимолини жанубдан ажратиб турувчи демилитаризация зонасига кириб бордилар.

***

Россия, Белорус ҳамда Болтиқбўйи мамлакатлари ўртасида нолегал муҳожирларни мамлакатдан чиқариб юбориш тартиби бўйича битимнинг йўқлиги уюшган жиноятчиликка қарши курашни қийинлаштирмоқда. Ҳозир Вильнюсда утаётган Балтия вазирлар кенгашларининг мажлисида Латвия, Литва ва Эстония бош вазирлари шундай баёнот берганлар. Балтия давлатлари раҳбарлари шунингдек 1 июлдан бошлаб Латвия, Литва ва Эстония ўрталарида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан савдо қилувчи эркин ҳудуд мавжуд бўлишини айтдилар. Бундай ҳудудни ташкил этиш бўйича шартнома ишлаб чиқилмоқда.

Иқтисодиёт

ФАРОВОНЛИК ЙЎЛИДА

«Қўрғонтепа» жамоа хўжалигида ёрдамчи ишлаб чиқариш цехи барпо қилинди. Шуниси қизиқки, бу цех муайян капитал маблағлар ва бошқа хил ҳаражатларни талаб қилмайди. Янги цехда 40 нафарга яқин уй бекалари ва кўп болали оналар касаначилик меҳнати билан машғулдирлар. Улар тикаётган кўрпалар, кийим-кечаклар, чойшаб, ёстиқ жилди ва ҳоказолар аҳолига манзур бўлмоқда.

Касаначиларнинг кўпида уз тикув машинаси бор, кимда тикув машинаси бўлмаса, жамоа хўжалиги уларга янги тикув машинасини сотиб олиб бермоқда.

Ҳаражатларнинг камлиги ва меҳнат унумдорлигининг юқорилиги сабабли ишлаб тайёрланаётган маҳсулотларнинг таннархи бирмунча арзон бўлаяпти.

Хўжаликда яна битта цех бор, у икки йилдан бери маҳсулот тайёрламоқда. Бу цех механизаторлар учун махсус кийимларни тикишга ихтисослаштирилган. Бундан ташқари, мазкур цехда кишиларга мулжалланган куйлаклар, шимлар, шунингдек, турли ёшдаги болалар кийимлари ҳам тикилмоқда. Бу ерда якка тартибдаги буюртмалар ҳам қабул қилинади.

Тикув цехларида тайёрланаётган кийим-кечаклар Каттақўрғон туманидагина сотилиб қолмай, вилоятнинг бошқа туманларидаги аҳолига ҳам етказиб берилаётир.

Шуниси диққатга сазоворки, жамоа хўжалигида аҳолига пулли хизмат кўрсатиш ишлари яхши йўлга қўйилган. Масалан, автомобилларни таъмирлаш, автошиналарни, камераларни тузатиш учун махсус цех ишлаб турибди.

Жамоа хўжалигида барпо этилган икки тегирмон ҳамда бир неча махсус цехларда шолини қайта ишлаш йўлга қўйилган бўлиб, булар аҳолига катта қулайлик яратмоқда.

«Қўрғонтепа» жамоа хўжалигида шу тариқа тадбиркорлик ишлари кенг қулоч ёймоқда, бу эса маҳаллий аҳоли фаровонлигини оширишга хизмат қилмоқда.

Т. ТУРСУНОВ.



ДАЛАЛАРДА МЕҲНАТ СУРУРИ

репортаж

Одатда хирмон баракаси шу кеча-кундуздаги ҳаракатга боғлиқ. Баҳорнинг бир куни йилга татийди, дейилиши бежиз эмас. Асл деҳқонлар ҳозирги дақиқаларнинг қадрига етиб, чигитни сифатли, қулай муддатларда экиб олади. Сусткашликка йўл қўйилдими, хирмоннинг баракаси учади деяверинг.

Пешқу туманида жорий йилда 11 минг 340 гектар ерга чигит экилади. Мамлакатга 38 минг тонна пахта етказиб бериш режалаштирилган. Айни шу кунларда 100 дан ортиқ экиш агрегатлари далаларда юқори унум билан ишлатилмоқда.

Тумандаги «Дустлик» жамоа хўжалиги далаларида меҳнат сурури ўкмрон. Сифатли тайёрланган майдонларда 7 та сеялка билан кунига 65—70 гектар ерга барака уруғи қадалмоқда.

Раис ўринбосари Шавкатжон Тўраевни Сафар Қурбонов бошлиқ эллик центнерчи бригада даласида учратдик. Икки агрегат тула қувват билан ишлаяпти. Бирини тажрибали механизатор Камол Боқиев бошқаряпти. Сеялкачилар Раҳмон Иззатов ва Шокир Қурбоновлар чигитнинг бир текисда тушишини таъминлаб боряптилар. Сожида Жамолова, Сабоҳат Авезова ва Хикоят Муяссарова каби оловқалб қизлар эса чигитни ўз вақтида етказиб турибдилар.

Тажрибали деҳқон Сафаржон Қурбонов ерга энгашди-ю бир сиқим тупроқ олди. Кафтлари орасига олиб эзиб кўрди. Майин, донадор. Кузги шудгорнинг, чилла сувига, ўгитга тўйганнинг фойдаси бу. Нам ҳам етарли.

У тупроқни сочиб юборди-да, пайкал бошида турган тракторчиларга «ҳайданглар» ишорасини қилди. Тракторлар товушини бироз баландлатиб шитоб билан юриб кетди. Ортидан кўтарилган енгил чанг пасайгач, уруг тушиш масофаси ва сонини текшириб кўрдик.

— Ҳаммаси жойида, уларга белгиланган миқдорда уруг тушибди, оралиқ ҳам кўнгилдагидек, — деди ҳамроҳим Шавкатжон. — Гайратни сусайтирмасак эрта-индин чигит экишни ниҳоясига етказамиз.

Чиндан ҳам жамоа хўжалигининг ҳамма бригадаларида чигит экиш тез суръат, аъло сифатда утказилмоқда. Бу ишга 7 та экиш сеялкаси сафарбар этилган. Экиш икки гуруҳда олиб борилмоқда. Эгам Тўлантов, Юнус Бердиев каби гуруҳ раҳбарлари ва бош муҳандис Ориф Норқуловлар трактор-механизмларни соз ишлашига эришмоқдалар. Механизаторларга шарт-шароитлар яратиб берилган.

Хўжаликнинг Деҳқон Раҳматов, Зайни Ходиев, Дониёр Ботиров, Лутфулла Нарзуллаев бошлиқ бригадалари чигит экишни 7—8 иш кунида тугаллаш учун мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланмоқда. Механизаторлардан Ўткир Чориев, Давлат Мунаев, Комил Жумаев, Ҳусни Нуруллаев бир ғайратга ун ғайрат қушиб ишламоқдалар.

— Ҳосил тақдири экишни сифатли утказишга боғлиқ, — деди жамоа хўжалиги бошқаруви раиси Рустам Султонов. — Буни яхши тушунган деҳқонларимиз мустақил Узбекистонимизнинг бешинчи йилида 586 гектар ерга уруг ташлаб, эл хирмонига 2177 тонна пахта етказиб беришга аҳд қилганлар.

Экишни қисқа муддатларда утказиб олиб, ҳамма майдонларда кўчатни бехато ундириб олиш чора-тадбирларини кўрамиз. Ҳозир ҳамманинг фикри-зикри ана шунга қаратилган...

Собиржон ҚОДИРОВ.

«ИШОНЧ» НОМИ БЕРИЛДИ

Гулистон туманидаги «Октябрь» жамоа хўжалиги иккига бўлинди. Қарийб бир ярим минг аҳоли истиқомат қиладиган бўлим мустақил жамоа хўжалигига айлантирилиб, унга «Ишонч» газетаси номи берилди. Жамоага ёш, ташаббускор Алибой Бобақулов раис этиб тайинланди.

Бир пайтда колхоз бўлган қишлоқда янгича ҳаёт бошланмоқда. Мустақиллик шарофати билан тикланаётган миллий урф-одатларимиз, қадриятларимиз эртанги кунга бўлган ишончни, умидни уйғунлаштираётгани аниқ. Янги жамоа хўжалиги аъзолари ўз олдиларига қўйган шарафли вазифаларни уддалаш учун қатъий ишонч билдиришаётир.

Ўз мухбиримиз.

Ислоҳот одимлари

...МЕНДАН БУГИНА

Қишлоқ хўжалик мажмуида ишлаб чиқарувчи билан истеъмолчилар орасида узаро ҳамкорлик шартномаси тузиш авж олиб бораётир. Контрактация деб аталувчи бу шартномалар кўп ҳолларда пухта тузилмаётгани, баъзида томонларнинг манфаати тўлиқ акс этмаётгани маълум булиб қолмоқда. Бозор муносабатлари моҳиятини тўғри тушунмаслик оқибатида бундай камчиликлар чиқаётгани аниқ.

Масалан, ҳамкорлик шартномаларини тузиш билан боғлиқ бўлган камчиликлардан энг муҳими шуки, жойларда унинг бажарилиши бўйича масъулият хис қилинмайди. Вилоят ва туманларда иқтисодий масалалар билан шуғулланувчи раҳбарларнинг аксарияти контрактацияга лоқайд муносабатда булаётирлар. Бундан ташқари корхона ва ташкилотларнинг Истиқболни белгилаш ва статистика давлат қумитасига бераётган нотўғри маълумотлари ҳам кўпгина англашмовчиликларга сабаб булаяпти.

Контрактация шартномалари тузишда жиддий камчиликларга йул қўйилаётгани ҳақида Фарғона шаҳрида утказилган минтақавий семинарда ҳам таъкидланган эди. Хусусан, нотиқлар «Узулгуржибиржасавдо» уюшмаси ва унинг жойлардаги булинмалари фаолиятини қатиқ танқид остига олишди. Ташкил этилган биржа ярмаркаларини унумли ишламаётгани, шартномалар тузиш билан боғлиқ ишларда бозор инфраструктураси кенгайтирилмаганлиги эслатиб утилди.

Минтақавий семинарда иштирок этган республика Адлия вазирининг ўринбосари М. Жалилов контрактация ҳужжатларининг самарали ишлаб кетишига тусқинлик қилаётган жузъий хусусиятлар ҳақида гапирди. Авваломбор тадбиркор ва хусусий ишбилармонлик фаолияти билан шуғулланаётганларда ҳуқуқий билим, малака етишмаслиги, қолаверса, бу жараёнларни амалга оширишда ҳуқуқшуносларнинг иштироки ниҳоятда зарурлиги уқтирилди. Бинобарин, Андижон вилоятида 90 нафар, Наманган вилоятида 60 нафар, Фарғонада эса 180 нафар ҳуқуқшунос тадбиркорлар билан алоқада иш олиб боришяпти, холос.

Республика иқтисодий, ижтимоий тараққиёти йўлида янги услубиятлар, янгича муносабатлар шаклланаётган экан, ишлаб чиқарувчи билан истеъмолчи орасидаги ҳамкорлик шартномалари ўта муҳим аҳамиятга эгадир. Зеро, у деҳқоннинг, тижорат кишисининг ва қўйингчи, ҳар биримизнинг ҳимоя-ланишимизни кафолатлаши лозим.

А. ТЎХТАСИНОВ, «ИШОНЧ» мухбири.

Россия парламентининг 1996 йилнинг 15 март куни қабул қилган, моҳиятан, собиқ Иттифоқни тиклашга қаратилган қарорлари ҳамда жорий йилнинг 29 март куни Москвада Россия, Беларусь, Қозогистон, Қирғизистон президентлари томонидан, 2 апрелда эса, Беларусь билан Россия, гўёки, улар ўртасидаги интеграция ' уйғунлашувни чуқурлаштириш, аслида, бошқача йўл, усуллар орқали, яна ўша «қизил империя»га қайта жон киритилаётганлигини эслатувчи, ҳатто, истиқболда ундан ҳам «мустаҳкамроқ» бир уюшмани тузиш йўлида, имзоланган ҳужжатлар Узбекистон, айни пайтда, бутун жаҳон жамоатчилигининг диққат марказида, турибди.

Муносабат

ИСТИҚБОЛИМИЗ — МУСТАҚИЛЛИГИМИЗДА!

Узбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши, 15 март куниёқ, бу ҳақда махсус қарор қабул қилди. 16 марта эса, республика Президенти И. А. Каримов Ургенчда, Хоразм вилояти халқ депутатлари навбатдан ташқари учинчи сессиясида сузлаган нутқида, Россия Президенти Б. Ельцинга йуллаган хатида, МДҲ мамлакатларида уйғунлашув жараёнлари ривожи юзасидан Узбекистон Миллий ахборот агентлиги мухбири берган саволларга жавобларида, 12 апрель куни Тошкентдаги дипломатия корпуси ҳамда журналистлар билан учрашувда сузлаган нутқида мазкур қарорлар, саъйи ҳаракатлар моҳияти, мазмуни, мақсади тўғрисидаги уз нуқтаи назарини баён қилди.

Собиқ Иттифоқни қайта тиклаш, интеграцияни чуқурлаштириш бўйича Узбекистон раҳбарияти билдирган расмий муносабатни ифода этувчи ҳужжатларнинг мазмунидан, уларда баён қилинган қуйидаги ҳаётий, холисона қоида ва ҳулосаларни англаш қийин эмас.

Чунончи, Россия Давлат Думаси қабул қилган қарорлар ҳеч қандай, на фақат ҳуқуқий, балки, сиёсий, маънавий-ахлоқий ҳам, асосга эга эмас. Бироқ, уни келтириб чиқарган жиддий замин мавжуд. У ҳам бўлса — шу йилнинг 16 июнига Россияда белгиланган президент сайловлари. Мазкур мамлакат аҳолисининг, сайловчиларининг муайян қисми, собиқ Иттифоқни қумсаш кайфияти билан яшамоқда. Уларнинг, балким, нафақат уларнинг, фикрича, гўёки, мабодо, собиқ Иттифоқ тикланса, демакки, ҳамма нарса яна ўрнига тушади: гуштнинг нархи 1 сўм 80 тийин, колбаса 2 сўм 10 тийин, трамвайда юриш 3 тийин ва ҳоказолар, булади.

Ахир, собиқ Иттифоқ ишлаб чиқаришни, нарх-навони бундан буён шу даражада, тайриқтисодий, маъмурий йўллар билан, ушлаб туришнинг имконияти, улар манбаъларининг тугагани сабабли барҳам топмадими? Яъни, четга табиий бойликлар — нефть, газ ва бошқа хом ашёлар, аслида, келажак авлодлар ҳаққини, сотиб, арзон оқиб келаётган (70-80 йилларда ишчи кучини ишлаб чиқаришга, қушимча тарзда, табиий оқиб келиши камая бошлади: 1976-80 йилларда 14 млн. га яқин қушимча ишчи кучи келиб қушилган булса, 1980-85 йилларда эса 3 млн. дан сал зиёдроқни ташкил этди) ишчи кучидан фойдаланиб, ижтимоий соҳа — маориф, соғлиқни сақлаш, маданиятни ўз ҳолига ташлаб қўйиб, «сабзини турп ҳисобидан» арзон қилиб, яшашнинг чекланганлиги, буни, эндиликда, фақат дуқпуписа, қуркитув орқали таъминлашнинг, ёки булмаса, «пичоқнинг суякка бориб тақалганлиги» боис, «қизил империя»нинг куни битди.

Айниқса, 80 йилларга келиб, мамлакат ҳарбий қудратини, бундайин танг иқтисодий ривожланиш шароитида, АҚШ даражасида, ушлаб туриш амри маҳол бўлиб қолди...

Россиядаги, сайловлардан галабани кузлаётган сиёсатчилар, кучлар, халққа, аччиқ булса ҳам, ҳақиқатни айтиш ўрнига, ундан, узларининг қисқа фурсатли, бенистиқбол мақсадлари йўлида, «моҳирлик» билан фойдаланмоқчилар... «Ақл, тафаккур уйқуси мудҳишликни тугдиради», деб шунга айтсалар, ажаб эмас.

Бу ўринда, улар, ҳатто, уйласалар ҳам керак: ҳа, майли, сайловларда ютиб чиқаверайлик, у ёғи бир гап булар, деб.

Мазкур ўринда тарихнинг аччиқ бир сабогини эслатиш жоиз. Шуни айтмоқчимизки, ҳокимиятни эгаллаб олайлик, у ёғи бир гап булар, деган кайфият 1917 йилнинг октябрида, ундан сунг ҳам булган. Айни мана шу ҳолни назарда тутиб, Ғарб социал-демократиясининг, биз яқинларгача лойга қориб келган машҳур намояндаси, — Карл Каутскийнинг, 1919 йилдаги, таъкидлашича, большевиклар узларининг демократияга содиқликларидан воз кечиб, ҳокимият теппасига келдилар, улар узларининг ундан ҳам муҳим ижтимоий мақсадларига хиёнат қилиб, ҳокимиятни ўз қўлларида сақлаб қолдилар. Энди, айтиш қийин: бу тизимга кириш мушкулми ёки, бир пайтлар келиб, ундан чиқишми?! — деган эди у.

Шу нуқтаи назардан қараганда, «уйғунлашувни чуқурлаштириш» тарафдорлари ҳам, фақат, гўёки, бошқача тарзда, узгача ниқоб, шиорлар остида, аммо, барибир, Россия сайловчиларининг, айни пайтда, мустақилликни мустаҳкамлаш муаммолари қийинчиликлари олдида, муайян даражада, довдираб қолган, тушкунликка гирифтор булган айрим давлат раҳбарлари кайфиятларини эпчилона ҳисобга олганлар.

Бизнингча, мустақиллик ҳеч қандай муқобили йўқ, ҳеч нимага алмашлаб булмайдиган бир олий неъматки, унинг йўлида қурашиш, керак булса, жон фидо қилиш, Ватаннинг асл фарзандлари учун, ҳам фарз, ҳам қарздир.

Мустақиллик — инсон учун ҳам, халқ учун ҳам, миллат учун ҳам, давлат учун ҳам, сув ва ҳаводек зарур нарса. Ахир, дарахт, қучат ҳам ўзга дарахт соясида, Қуёш нуридан бенасиб баҳраманд булмай, ривож топа олмайди-ку!

Бу, албатта, бошқалардан, «темир девор» билан ажралиб қолишни сира англатмайди, аксинча, барча халқлар, давлатлар, жумладан, оддий инсонлар ўртасида ҳам, ўзаро тенглик ва манфаатдорликка таянган, иллиқ муносабатлар қарор топишини тақозо этади.

Мана шулар боис ҳам, биз, юртбошимиз ҳурлигимиз, эркинлигимиз, мустақиллигимиз, истиқболимизга тажовуз, таҳдид қилмайдиган, оқилона уйғунлашувни қўллаб-қувватлаш хусусида олға сурган 5 та асосий шартлар ҳамда бошқа қоидалар, хулосаларни тула-тўкис маъқуллаймиз.

Собиқ Иттифоқни қайтадан тиклаш, бунга қаратилган ҳар қандай уриниш, чиранишлар, бундан ташқари, ҳаёт ҳақиқатига хилоф иш бўлган бўларди.

Чунончи, у бизни ва бошқа қўплаб халқларни яна, тарихнинг узи оқламаган, чиппакка чиқарган, хом ҳаёллар оғушига қайтарган, эришилиши қўлланастган эзгу ниятларимизни паймол этган, жаҳон ҳамжамиятининг бизларга нисбатан аста-секин шаклланиб келаётган ишончини йўққа чиқарган, демакки, миллион-миллион кишиларнинг олижаноб орзу-умидларини рўёбга чиқаришни жиддий тахлика-остига қўйган бўларди.

Бизга бугун дунё синчковлик билан қарамоқда: Узбекистон ўз мустақиллигини сақлаб қола оладими ёки йўқми, деб.

Биз бунга яқинда, 1995 ва шу йилнинг февраль ойида, АҚШда, Германияда булганимизда, Жаҳон банки, Халқаро валюта жамғармасига ташриф буюрганимизда, тула ишонч ҳосил қилдик.

Хуш, тарих 70 йилдан кўпроқ давр мобайнида, дунёдаги қуруқликнинг 6/1 қисмида ҳукм сурган тузумнинг қайси жиҳатларини оқламади, уни пуч, ҳом хаёл эканлигини намойиш этди?

Биринчидан, унинг иқтисодий тизимини. У, мулкни умумийлаштириш шиори остида, одамларни, меҳнаткашларни ишлаб чиқарувчиларни ундан бегоналаштирди, шу боис, уларни озод инсонлар, ўз тақдирларининг эгаси, унумли меҳнат, ишлаб чиқариш натижалари соҳиби бўлиш имкониятларидан маҳрум этди.

Маълумки, инсон ўз онасидан қул бўлиб, кишанбандликда туғилмайди, балки, жамиятда, унинг воситасида қулга айланиши мумкин. Собиқ Иттифоқ ўз фуқароларини, ўзи барпо этган гайриинсоний иқтисодий муносабатлар негизида, қулликнинг «кўз қуриб, қулоқ эшитмаган» шаклига мубтало этди.

Зеро, мулкдан маҳрум этилган киши — ҳар томонлама тобе, мутс кишидир. Мустабид тузум ўз фуқароларида ҳужайинлик ҳиссини шакллантириш учун зўр бериб ҳаракат қилсада, бу иш, амалда ҳеч қандай самара бермади. Ҳатто, бизни болалигимиздан ўргатилган шеърий мисраларда:

«Ер ҳам бизники,
Сув ҳам бизники,
Осмонда учган
Самолёт ҳам бизники», — деганимиз билан, аслида, ҳеч нарса бизники эмасди, балки, ҳамма нарса «ҳеч кимники» эди.

Шу боис, «умумхалқ мулки», деб аталмиш моддий ва маънавий неъматлар, беистисно, барча томонидан талон-тарож қилинди. Бошқача бўлиши ҳам мумкин эмасди...

Ишлаб чиқарувчилар билан истеъмолчилар муносабатларини уйғунлаштирувчи умуминсоний қадрият — бозор, шуролар даврида, Давлат режа қумитаси билан алмаштирилди. У, космик ракетадан тортиб, то игна ишлаб чиқаришгача бўлган, барча масалаларни уз назоратига олди.

Катта, баҳайбат, «тепса, тебранмас» мудҳиш маҳлуқ қиёфасини олган гайриинсоний иқтисод энг асосий ва оддий нарсага — муайян, алоҳида одам эҳтиежини қондириш манфаатига бўйсунмаган эди. Аксинча, унга —Режа Ҳазрати Олийларига, мамлакат аҳолиси, унинг бутун борлиги қарам, тобе қилинган эди.

Қулида чумич ушлаган тақсимотчининг «ошиги олчи», «пичоғи мой устида» бўлди. Мазкур эҳромнинг чўққиси «Марказ» бўлиб, унинг ноиблари ҳамма ерга баравар сочилди. У, Марказқумнинг Бош котибидан тортиб, энг оддий, қуйидаги амалдорларгача бўлган барча «чумич соҳибларини» қамраб олганди. Жамиятда шундай бир галати вазият вужудга келдики, унда, айтилганидек, гуштнинг ҳақиқий эгаси, уни етиштирган чорвадор эмас, балки, гуштни болта билан чопаётган қассоб бўлиб чиқди.

Бу ҳол одамларни меҳнатдан бездирди. Мамлакатдаги 100 миллиондан ортиқ меҳнат қилувчиларнинг 80 млн. дан ортигини, фақат меҳнатдан шахсий манфаатдорлик асосидагина, «ҳаракатга келтириш» зарурати туғилди. Чунки, тадқиқотларнинг курсатишича, 20 фоиз атрофидаги кишиларни илғорлар ёки ишёқмаслар ташкил этиб, улар ҳар

(Давоми 2-бетда)

ТОШҚИН ХАВФИ ЙЎҚОЛДИ

Наманган тарихи билан танишган киши шаҳарни кўп марталаб сув босганлигининг, одамлар табиий офатдан азият чекишганлигининг, мол-мулкларидан, уй-жойларидан айрилишганлигининг гувоҳи бўлади. Масалан, 1948 йилда юз берган табиий офатда минглаб кишилар шундай қургулликка дучор бўлишган. Бундай қуринишдаги ташвиш 1970 йилда шаҳарнинг аҳолиси зич Қурашхона даҳаси, хусусан, «Гунча» маҳалласида истиқомат қилаётганларни яна бир бор жиддий сескантириб утди. Тўғри, «Дустлик» кучаси қурилиши жараёнида Гирвонсой тўсилганлиги, натижада асрлардан бери наманганликлар бошига бесаноқ кулфатлар солган, энг емони, инсонлар ҳаётига зомин бўлган хавфни бартараф этган бўлса-да, аммо Шимолий Фарғона каналининг Қурашхона даҳаси юқорисида темир йўл билан кесишган қисмидаги дюкер билан боғлиқ нотўкислик олдий фуқаролардан тортиб раҳбарлару, мутахассисларгача хавотирликка солишида асос бор эди.

Аввало, ушбу иншоот канал бунёд этилган салкам 60 йиллик «умр»ни утказиб қўйган. Қолаверса, канал дастлабки босқичида секундига 70 кубометр сувга мўлжалланган ва дюкер ҳам шунга мувофиқ барпо этилган. Ҳолбуки, бу давр ичида у қайта-қайта таъмирланган, сув утказиш хажми ортган ва ҳозирда секундига 100 кубометрдан ҳам ошиб кетган. Дюкер эса қай ҳолатда барпо этилган бўлса, ўшандайлигича қолиб келмоқда эди. Шу боисдан қачон қараманг, дюкер бошланишида сув тўпланиб турар, айниқса, баҳор ойларида кўрган одамнинг юрагини ваҳимага солар, бунинг устига каналда оқиб келган жъмики нарса унинг оғзида йиғилиб тошқин хавфини кучайтирар эди.

Ниҳоят вилоят ва шаҳар ҳокимликлари тўғри қарор қабул қилишди. Мазкур камчиликни бартараф этиш тадбири ишлаб чиқилди. Бу ишни уддалаш Наманган қурилиш трестининг Раҳматилло Убайдуллаев бошлиқ қурилиш-монтаж бошқармаси жамоаси зиммасига юкланди ва улар бу топшириқни гоят қисқа муддатда аъло даражада амалга оширдилар. Қишнинг аёзли декабрь ва 1996 йилнинг дастлабки икки ойларида кеча-кундуз, икки сменада меҳнат қилинди. Мавжуд техника бетухтов ишлатилди. 70 минг кубометрлик тупроқ ташилди. 1780 кубометр темир бетон ётқизилди. Кран ҳайдовчиси Боқижон Отабоев, бетончилардан Тоҳиржон Каримов, Боқижон Юсупов, Абдурасул Тиллабоевлар кунига икки нормадан ва ундан ошириб иш уддаладилар.

Ниҳоят, янги иншоот битказилиб фойдаланишга топширилди. Канал суви янги узандан оқа бошлади. Неча ун йиллар хавф-хатарда яшаб келган Қурашхона ва «Гунча» маҳалласи аҳолиси эркин нафас олди. Шу тариқа тошқин хавфи бартараф этилди.

Обиджон ЖУМАНАЗАРОВ, «ИШОНЧ» мухбири.

БИРЖА ЯНГИЛИКЛАРИ

Республика кучмас мулк биржаси ва унинг вилоят бўлимларида 16 та ким ошди савдоси ва танловлар утказилди. Савдолар мобайнида тадбиркор ва саромоядорларга кўплаб ер майдонлари, қурилиши тугалланмаган иншоотлар, уй-жойлар, ёқилғи қуйиш шоҳобчалари ва турли русумдаги автомашиналар таклиф этилди. Ҳафта мобайнида 324 та иншоот давлат тасарруфидан чиқарилиб, мулкчилик шаклини ўзгартирди. Жами 14 миллион 110 минг сўмлик иншоот янги мулкдорлар қўлига ўтди. Умрбод мерос бўлиб қоладиган ер майдонларига қизиқиш ва талаб ўсиб бормоқда. Савдо мобайнида 2 миллион 461 минг сўмлик 199 та ер майдонлари сотилди. Биргина Сурхондарё вилоятида 66 та ер майдонлари 324 минг сўмга сотилгани фикримиз далилидир. Ҳар галгидек Фарғона, Навоий, Наманган ва Тошкент вилоятларида биржа савдоси қизғин ва фаоллик билан ўтмоқда.

* * *

Республика қимматбаҳо қоғозлар биржасида бўлиб ўтган оддий акциялар савдосида 16 та ҳиссадор жамоалар қатнашди. Улар ўзларининг 20544 та акцияларини сотиб, 19 миллион 221 минг 220 сўмлик маблағга эга бўлдилар. Савдода «Тошкент дон қабул қилиш корхонаси» ўз акцияларини 1250 сўмдан, тошкент шаҳар «Ғончатотранс» жамоаси ҳам 920 сўмдан, «Қорақалпоқ нон маҳсулотлари» жамоаси 1720 сўмдан сотдилар. Бу жараён қимматбаҳо қоғозлар биржасининг ривожланиш даражасини курсатиб турибди. Демак, республикамизда мулкдорлар қатлами билан бирга акциядорлар қатлами ҳам ташкил топмоқда.

ИСТИҚБОЛИМИЗ — МУСТАҚИЛЛИГИМИЗДА!

(Боши 1-бетда)

қандай шароитда ҳам ўзгармай қолар эканлар...

Собиқ Иттифоқда, деярли, ҳамма беш йиллик режалар бажарилмаган, 1970-1985 йилларда эса, ижтимоий меҳнат унумдорлигининг ўсиш суръатлари муттасил пасайиб борган ва у, 1980 йилда, 1958 йилга нисбатан 3 баробарга қамайган. Ҳатто, 9, 10, 11-беш йилликларнинг, мамлакатнинг раҳбарий ҳужжатларида кўзда тутилган марраларга қараганда енгилроқ, топшириқлари ҳам удаланмади. Табиийки, иқтисодий ривожланиш кўрсаткичлари, мазкур даврда, жиддий пасайган.

Урушнинг, дастлабки пайтидаги қурол етишмаслигичи...?!

Ҳужасизликка асосланган иқтисодий тизим мамлакатни ишлаб чиқаришнинг янги, илғор техника, касбий моҳирлик, қилона ташкилий тузилмаларига асосланган шароитларига ўз вақтида ўтишига монелик қилди.

Ваҳоланки, АҚШда, 1948 йилдаёқ, ишлаб чиқаришнинг ўсиши, 50 фоиздан ортиқроқ ҳажмда, айни мана шу — интенсив омилларга таянган, 1953-57 йилларда бу кўрсаткич 70 фоиздан юқорироққа кўтарилган, 1960 йиллардан эса, улар электроника, компьютер, робот техникасига асосланган янги технологик инқилобни бошлаб юборган бўлсалар, собиқ Иттифоқ 80 йилларда ҳам, бу жиҳатдан, қолоқлик гирдобида яшарди...

Ҳаётдан қувонч ахтариб, уни тополмаган кишилар спиртли ичимликдан ўз аламларини олишни маъқул кўра бошладилар. Ичкиликбозлик, алкоголизм миллий ғам-ғусса, ғурбатга айланди.

1985 йилда қайта қуришни айни мана шу иллатга қарши курашдан бошланганлиги ҳам тасодиф эмасди.

Аслида, у ҳамма балоларнинг сабаби эмас, балки, ҳаёт, уни ташкил этишдаги, бошқа чуқур салбий иллатларнинг маҳсули, натижаси, ҳосиласи эди. Шу боис ҳам, камроқ спиртли ичимликлар истеъмол қилинса, сермаҳсул ишлаймиз, яхшироқ яшаймиз, деган тушунчага асосланган сиёсат, амалий саъйи ҳаракатлар ҳеч қандай самара бермади. Жумладан, меҳнатсиз даромадларга қарши кураш, индивидуал меҳнат фаолиятини жорий қилиш, атеистик тарғибот ҳам...

Ҳамма нарса гапнинг индаллосига — мулк, суверенитет, мустақиллик масаласига бориб тақалганда, собиқ Иттифоқнинг тубидан чириган бинои тутдай тўкилиб тушди. Уни мутлақо қайта қуриб бўлмаслиги аён бўлди. СССР барҳам топди, тарихнинг мулкига айланди.

Меҳнатга ҳақ тўлашдаги (яхши ишлайдиган билан ёмон ишлайдиганни) баравараштириш — текисчилик сиёсати, «давлат бизни ташлаб қўймайди», деган тасаввурлар барчада боқимандалик кайфиятларини узоқ йиллар давомида, мустаҳкам шакллантирди.

Иккинчидан, тарих мустабид тузумнинг ижтимоий соҳасини оқламади.

Масалан, 80 йилларда АҚШ маориф соҳасида 250 млрд. доллар сарф қилган бўлса, бу рақам собиқ Иттифоқда 40 млрд. сўмни ташкил қилган.

Бу, оқибатда, Узбекистондаги мактабларнинг ҳам 50 фоиздан зиёдини мослаштирилган биноларда ишлашга мажбур қилди.

Ишлаб чиқарувчиларнинг касбий маҳоратига, уларнинг меҳнатдан шахсий манфаатдорлигига, бозорга, истеъмолчига эмас, балки, омборга, хўжакўрсинчиликка йўналган, дуқ-пуписага, маъмурий-буйруқбозликка асосланган иқтисодий тизим билимнинг жамиятдаги ижтимоий нуфузини кескин тушуриб юборди.

Бундай шароитда кишиларда билим ортидан эмас, қандай қилиб булса ҳам, дипломга эга бўлишга интилиш кучайиб кетди. Бу, ўз навбатида, мамлакатда маънавий инқироз ҳолатларини вужудга келтирди.

Илм-фан ютуқларини ҳазм қилишга мослашмаган иқтисод уларни «ўз қобиларида қовурилишига» олиб келди.

Илғор мамлакатларда ўзи-ўзига маблағ топиш шароитига қўйилган тармоқ фанлари, собиқ Иттифоқда, давлат ҳисобидан молиявий таъминланди, назарий фанларга эътибор сусайди, илмий-техник дастурларни рўёбга чиқарилиш имкониятлари яратилмади.

Ваҳоланки, биргина Шанхайнинг ўзида 1,5 мингта илмий-тадқиқот институтлари бўлиб, улар ўзини-ўзи таъминлаш асосида ишлайдилар. АҚШнинг Мэриланд штатидаги битта илмий тадқиқот институти бир йилда 800 млн. доллар ҳажмдаги, шартномага асосланган, ишни бажаради.

Маданият соҳаси ҳам мустабидчиликнинг ҳамма асоратларини ўзида тўла ҳис этди. Собиқ Иттифоқда 80 йилларга келиб, урушгача мавжуд бўлган, туман маданият уйларининг деярли ярмидан кўпи тугаб кетди. Театр артистларининг сони бўйича дунёда биринчи ўринни эгаллаб турган мамлакатдаги 640 та театрнинг 3/2 қисмини тамошабинлар четлаб ўтишни афзал кўрдилар.

Соғлиқни сақлаш соҳаси кишилар сиҳат-саломатлигини таъминлашнинг бош айбдори қилиб қўйилди. Аслида, мутахассисларнинг фикрича, одамлар соғлигини сақлаш омиллари орасида тиббиётнинг, улуши, бор-йўғи 8-9 фоиз-ни ташкил қилар экан. Киши саломатлигининг 50 фоиздан ортиғи меҳнат ва турмуш шароити, 20 фоизи атроф муҳит, яна 20 фоизи эса, ирсият омили ҳиссаларига алоқадорлиги эътироф этилган.

Демак, собиқ Иттифоқнинг, ўз аҳолисини ўртача умр кўриши буйича, дуне мамлакатлари ичида тўртинчи ўнликка, болалар ўлими буйича эса, Маврикиядан кейинги, 50 ўринга тушиб қолганлигининг сабабини унинг ижтимоий, иқтисодий тузумининг табиатидан ахтармоқ лозим эди. Мазкур тузумнинг адолатсизлиги мамлакат аҳолиси ўртасида ўлим ҳолатларини кучайтирди ва, охир-оқибатда, унинг ўзини ҳалокатга олиб келди. Бу ҳолни мамлакатда ўз жонига суиқасд қилиш натижасида ҳаётдан кўз юмганлар сонининг, 1965 йилдаги, қарийб 40 минг кишидан 81,4 мингтага, демакки 2 баробардан кўпроққа, ошганлиги билан боғлиқликда курмасликнинг иложи йўқ.

Учинчидан, тарих шўролар тузумининг маънавий ҳаётини оқламади. Бутун жамиятнинг оёғига солинган кишан бўлган эди у.

Мазкур тузум «маънавияти»нинг ўзи маънавиятга иккинчи даражали соҳа, деб қаради, маблағлар ажратилганда, моддий, иқтисодий мақсадларга устиворлик берилиб, улардан «ортиб» қолгани ижтимоий соҳага йўналтирилди — маориф, маданият, соғлиқни сақлаш «қолдиқ» сиёсатининг қурбони қилинди.

Маълумотсизлик, маърифатсизлик, маданиятсизлик, ҳасталикларнинг кучайиши, ўз навбатида, иқтисодий ривожланишга жиддий зарба бердилар.

Етуклик гувоҳномаси, диплом соҳиблари, врачлар сони купайди, бироқ, жамиятда уларга нисбатан таъсирчан эҳтиёжнинг бўлмаганлиги сабабли, ақлий салоҳият «улик молга» айланиб қолди.

Миллий урф-одатлар, анъаналар, маданият, мерос, сохта байналмилалчиликни ривожлантириш талабларидан келиб чиқиб, мустабидчилик, бир текисчилик, катта, кичик оғачилик сиёсати, амалиёти томонидан оёқ ости қилинди, халқлар манқуртлик, ижтимоий паришонхотирлик, узининг, айни пайтда, ўзгалар, бошқа замондош халқларнинг, тарихини, ўтмишини билмасликдек, бедаволик дардига гирифтор қилинди.

Битта мисол. Бу йил бутун жаҳонда таваллудининг 660 йиллиги нишонланаётган, Президентимиз Фармонига кўра, жорий йил унинг номи билан аталган машҳур ватандошимиз — Соҳибқирон Амир Темурни олайлик. Ахир, унинг салобати, «тенглар ичида тенг», аслида мустабид тузум бизга ажратган «кичик оға»чилик ўрнига сигмади-ку! Чунки, мазкур тузум «кичик оғада» бундайин салобатли сиймо бўлиши мумкинлигини ҳеч ҳам ҳазм қила олмасди.

Ғоявий миршаблик, мафкуравий посбонлик тамойиллари кучайди. Одамлар кўрган нарсаларини эшита, эшитган нарсаларини эса, кўра олмадилар. Улар бундай шароитда, ўз фикрларини эркин-эмин ифода этиш имкониятидан маҳрум бўлдилар. Ҳаммани, гўё, нафас олиш учун ҳаво етишмаётганидай, бамисоли, «маънавий бўғма» хасталиги чирмаб олгандай эди... Аҳлоқий меъёрлар, қонунлар ҳаётийликдан, ҳаёт эса аҳлоқийлик, қонунийликдан бегоналашди.

Тўртинчидан, тарих собиқ Иттифоқдаги сиёсий тизимни оқламади. Демократия тўғрисида, у жамиятда қанчайин тақчил булса, шунча кўп гапирилди. Шўролар демократияси, конституцияси дунёдаги энг ҳаётчан, ҳаракатчан, халқчил демократия, деб айюҳаннос солинди. АҚШ, Ғарб давлатлари конституциялари озодлик ҳақидаги афсона, уйдирма, тўқима, деб баҳоланди. Ҳаммаси бунинг акси бўлиб чиқди.

Сиёсий ҳаётда танҳо ҳукмрон куч — Коммунистик, деб аталмиш партия сафларидаги аъзоларнинг, мазкур партия фаолиятининг тил-жағсиз ижрочиси — давлат ҳокимияти вакиллик идораларига сайланган депутатларнинг ярмидан кўпи, расман, ишчи-деҳқон, меҳнат аҳллари намояндаларидан иборат бўлсада, аслида, улар, мамлакат аҳолисининг атиги 1 фоизини ташкил этувчи, амалдор тўралар манфаатларининг қўллаб-қувватловчилари, қарсакбозлари эдилар.

Собиқ Иттифоқ Олий Кенгаши сессияларининг, шўролар жамиятини «қайта қуриш» жараёни бошлангунга қадар ўтган, 25 йиллик муддат давридаги, мажлислари таҳлилининг далолат беришича, мазкур оралиқда бирон-бир депутат бирон-бир масала буйича нафақат қарши овоз бермаган, ҳатто, унинг юзасидан бетарафликда ҳам қолмаган.

Чунки, ушбу депутатлар мулкдан — ўз оёғи тагидаги заминдан ажратилган, тили ошқозони билан боғлаб қўйилган, бирон-бир «ножуя» гап айтса, сб турган бир бурда нонидан маҳрум этилажак, люмпенлашган халқ томонидан сайланган эдилар.

Шўролар давлатини Афғонистонга қўшин киритиши, бу билан боғлиқ барча хатти-ҳаракатлар мустабид тузумнинг инқирозидан, унинг ўз умрини ишлаб бўлганидан бир нишона эди.

Мамлакатда жиноятчилик чуқур илдиз отди. Ҳуфёна иқтисод миллиардлаб сўм ҳажмдаги маблағларни муомалага киритди. Бошқа шаклардаги жиноятчиликни қўйиб турганда, биргина бедарак йўқолишларнинг ўзи йилига 80 минг кишидан кўпроқни ташкил этди.

Устига устак, мустабид тузумнинг ўзи жиноятчиликнинг ашаддий тимсоли бўлиб қолди, ва у, табиий равишда, мамлакатни, жамиятни муқаррар емирилишга олиб келди.

Биз Узбекистонни мустақиллик йўлидан ортга қайтмаслигининг кафолатларини нималарда кўрамиз?

Буни, аввалambор, халқимизнинг азалий экрсеварлигида, унга эришиш йўлида ҳар қандай қийинчиликларга бардош бера олишлигида. Мураккаб тарихимиз бу борада кўплаб мисолларга бой.

Иккинчидан, мустақил Узбекистон, 1991 йилдан эътиборан, танлаган тараққиёт йўлининг тўғри эканлигида.

Учинчидан, Узбекистон раҳбарияти олиб бораётган ислоҳотлар сиёсати, ундаги устиворликлар мантиқида.

Тўртинчидан, ушбу сиёсий йўлни халқимиз томонидан самимий қўллаб-қувватланаётганлигида.

Бешинчидан, илғор жаҳон жамоатчилигининг мустақиллигимизни мустаҳкамлашга доир саъйи ҳаракатларимизни юксак қадрлашида, уни чуқур тушунишида ва бу борада бизга кўмак беришга тайёрлигида.

Зеро, мустақилликнинг ҳеч бир, теран фикрловчи, шахс, халқ, миллат, давлат учун муқобили йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас. Фақат мустақилликгина, бизни чинакам инсоний ҳаёт, фаровон турмуш, нурли истиқбол томон йўлимизни ёруғ қиладиган машъал, ривожимизга олиб борадиган шоҳ кўча, кенг ҳиёбондир.

Она-Ватанимиз келажаги ушбу ҳақиқатни қай даражада англаб билишимизга боғлиқ эканлиги, бугун, шак-шубҳасиздир.

Шу боис ҳам, республикамиз раҳбариятининг, Россия Давлат Думаси томонидан собиқ Иттифоқни қайта тиклаш юзасидан қабул қилган қарорлари ва интеграцияни чуқурлаштириш байроғи остида, мазкур узанларда, қилинаётган уринишларга нисбатан тутган, аниқ-равшан, миллий манфаатларимизга мос, йўлини тўла қўллаб-қувватлаётган халқимиз ўз мустақиллигини мустаҳкамлашдек тақдириломон вазифани бажаришга барча куч ва имкониятларини қаратишига ишончимиз комил. Зеро, фақат ва фақат мустақиллик - бизнинг бахтимиз, истиқлолимиз, истиқболимизнинг ишончли кафолатидир.

Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ,
фалсафа фанлари доктори

ШАРҚШУНОСЛАР ФАХРИ



Кўҳна ва бой маданиятга молик улкан Шарқ мамлакатлари тарихи, адабиёти, жўғрофияси каби соҳаларни ўрганиш, башариятга етказиш борасидаги илк ишларни улуғ ватандошимиз Абу Райҳон Беруний «Ҳиндистон» номли асарида бошлаб берган бўлса, кейинчалик бу ишга буюк давлат арбоби, истеъдодли шоир Заҳириддин Муҳаммад Бобур «Вақое» — «Бобурнома» асари билан улкан ҳисса қўшди.

Улар асослаган анъаналарга бизнинг замонамизда Узбекистон Фанлар Академиясининг Шарқшунослик илмгоҳи ва ТошДУ таркибидан мустақил институт бўлиб ажралиб чиққан Тошкент Давлат Шарқшунослик институтининг илмий педагогик жамоаси ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келмоқда. Бу жамоанинг фахри таниқли шарқшунос, Узбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, халқаро Фирдавсий мукофоти соҳиби, филология фанлари доктори, профессор Шоислом Шомаҳмуд ўғли Шомуҳамедов 1921 йилнинг 16 апрелида Тошкент шаҳрида ҳунарманд оиласида дунёга келди.

Отадан ёш қолган Шоислом енгил саноат техникумини 1939 йилда битиргач, Тошкент ҳарбий мактабида ўқишни давом эттирди. Мактабни 1941 йил июнида тамомлаб, иккинчи жаҳон урушининг дастлабки кунларидан бошлаб немис-фашистларга қарши курашди. Даҳшатли жангларнинг бирида оғир яраланади. Госпиталда бироз ётиб соғайгач, чегара соқчилари сафида хизматни давом эттирди.

1947 йилда ҳарбий хизматдан қайтгач, Ш. Шомуҳамедов ТошДУнинг Шарқ факультетига ўқишга кириб, унинг Эрон бўлимини 1952 йилда имтиёзли тугатади ва шу ерда ишга қолдирилди.

Бўлғуси олим ва мударрис Ш. Шомуҳамедов 1953 йилдан бошлаб талабаларга бой форс-тожик адабиети ва халқ ижоди ижодидан маърузалар ўқий бошлади. Бу истиқболини илм-маърифат билан боғлаган ёш муаллим педагогик ишни илмий-тадқиқот ишлари билан қўшиб боришни ўз олдига мақсад қилиб қўйди. У аспирантурага 80 га яқин китоб муаллифидир. Олимнинг айрим асарлари АҚШ, Покистон, Чехословакия, Булғория каби мамлакатларда чоп этилган.

Шоислом Шомуҳамедов ташаббуси билан собиқ Иттифоқда биринчи булиб, Шарқ факультети таркибида ташкил этилган «Хорижий Шарқ мамлакатлари адабиёти» кафедраси шу кунларда ўзининг ўттиз йиллик туйини нишонлашга ҳозирлик кўрмоқда. Домла кафедра мудири, ТошДУнинг илмий ишлар буйича проректори вазифаларида фаол ишлади. У ўн уч йиллик проректорлик, ўн йиллик деканлик вазифасида ишлаб, илмий-тадқиқот ишларининг ривожига катта ҳисса қўшди. АҚШ, Франция, Миср, Эрон, Ҳиндистон, Чехословакия, Булғория каби хорижий мамлакатлар ҳамда Москва, Ленинград шарқшунослари даврасида илмий маърузалар уқиб, улар билан илмий ҳамкорликни кучайтиришга алоҳида эътибор берди.

Иш фаолияти тиғиз булишига қарамай Ш. Шомуҳамедов қатор жамоатчилик ишларига аъзо булиб, уларнинг фаолиятида ҳам қатнашиб келмоқда. Устоз ва олим Шоислом Шомуҳамедовнинг илмий педагогик ва шарқшунослик фанининг ривожидаги хизматлари ҳукуматимиз томонидан бир неча орден, медаллар ва беш марта Фахрий ёрлиқлар билан тақдирланган. Устоз ҳамон ёшларга илм сирларини ўргатиб, илмий-ижодий ишини фаол давом эттириб, мустақил Узбекистонимиз учун муносиб дипломат ва таржимонлар авлодини етиштириб келмоқдалар. 75 баҳорни қаршилаётган муҳтарам устозга шоир Фурқатнинг: «Кўрар кўзларнинг нури илмдандир, кунгулларнинг сурури илмдандир», байти мисраларидаги «кунгуллар сурури»нинг яна бир нашъу намосини суриб юринг деб сиҳат-саломатлик, илмий-ижодий муваффақиятлар тилаб қоламиз!

Хасанхўжа МУҲАММАДХЎЖА ўғли,
ТошДУ доценти, филология фанлари номзоди.

РУБОИЙЛАР

Бу дунё бир арпа донга арзимас,
Саъдий дер: «Бир қатра қонга арзимас»,
Томчи кўзёшга ҳам арзимас асли,
На бойлик, на шуҳрат-шонга арзимас.

* * *

Баъзи ҳамёнларда доллар ошмоқда,
Кундан-кун кўпайиб, тўлиб тошмоқда,
Лек пулга топилмас ақлу фаросат,
Кўплар буни билмай ақли шошмоқда.

* * *

Баҳтиёр десалар арзир отимни,
Келтирайин бунга қўш исботимни:
Қўкракдан ўқ едим, ўлмайин қолдим,
Муҳаббатда топдим чин Ҳаётимни.

* * *

Дунёнинг ҳолидан хабар ол, Инсон.
Бу жаҳон сенингсиз хароб, саргардон,
Балоғатга етдинг, чиқдинг бешикдан,
Сени зор кутади Зуҳро, Ой, Чўлпон.

* * *

Ерга эгил, агар осмон бўлсанг ҳам,
Соҳилдан чиқмагил уммон бўлсанг ҳам.
Инсонлик шарафин урмагил ерга,
Инсон бўл, амалда чандон бўлсанг ҳам.

* * *

Фақат меҳнат билан унар ҳалол нон,
Ҳалол нон туфайли саломат иймон.
Нон ҳалол бўлмаса, галвирак виждон,
Ундайдан яхшилик кутма, эй инсон!

* * *

Саъдий дер: «Неча бор хажга борсаям
Инсонинг эшаги бўлмади одам».
Ким бориб бажармас хаж ўгитларин,
Исо эшагидек бир маҳлуқ ул ҳам.

Шоислом ШОМУҲАМЕДОВ.



Касаба уюшмаларида

ҲИММАТ

Туманда ўз соҳасининг фидоийлари кўп. Янгибозор савдо ишлаб чиқариш уюшмаси раиси Тўхта Чўлиев, «Ширин кулча» акционерлик жамияти раиси Ҳуснидин Ҳамроев, «Қалаймиришкор» савдо ишлаб чиқариш уюшмаси раиси Қодиржон Бердиев ҳамда «Ширин» кичик корхонаси «Фарҳод» фирмаси жамоалари шулар жумласидандир. Уларнинг ташаббуси билан Наврўз байрами арафасида «Жонгелди»лик чупон-чўлиқларнинг оилаларига 375 килограмм ун, 85 килограмм шакар, 100 килограмм макарон, 100 килограмм печенье, 500 килограмм пиёз совға қилинди.

Шунингдек, туман «Агрохизмат» касаба уюшмаси қумитаси қиймати 10 минг сумлик дори-дармон аптечкаларини 90 нафар чупон-чўлиқларга ҳадя этди.

Туман ҳокимлиги ва касаба уюшмалари қумитасининг бу ташаббусидан чорвадорлар мамнун булишди.

С.ҚОДИРОВ,
Бухоро вилояти, Пешку тумани.

ҲОМИЙЛИК МАРҲАМАТИ

Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси вилоят қумитаси бир неча йилдирки, вилоят ногирон болалар уйига ҳомийлик марҳаматини кўрсатиб, савобли иш қилиб келмоқда.

— Касаба уюшмасининг асосий вазифаси имкон борича аҳолини ижтимоий ҳимоялаш, бозор иқтисодиёти шароитида моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашдир, — дейди соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Тошкент вилояти қумитасининг раиси М. Йўлдошева, — бундан кейин ҳам ҳимоялашни кучайтиришга эътиборни асло сусайтирмаймиз.

Тошкент вилояти қумитаси бир неча марта пул ёрдами берган эди. Куни кеча ҳам вилоят қумитаси вилоят ногирон болалар уйига 15 минг сўм, Вилоят қизил ярим ой жамиятига 10 минг сўм пул утказдилар.

Жамиятга утказилган маблағ асосан ногиронлар ва ёлғиз қолган қарияларга сарфланади.

Б. ПЎЛАТОВ.

МЕҲНАТ КИШИСИГА ҚУЛАЙЛИК

«Жиззахулгуржибиржасавдо» компанияси ўз ишчи-хизматчиларига қулайлик яратиш мақсадида коммунал ва бошқа хизматлар учун барча туловларни марказлашган усулда амалга оширишни йулга қўйдилар. Эндиликда бу ерда хизмат қилаётган 300 нафар ишчи-хизматчилар табиий газ, электр қуввати, телефон, коммунал ва бошқа хизматларга ҳақ тўлаш учун идораларга қатнаб овора бўлмайдилар. Бундай ҳисоб-китобларнинг барчаси компания ҳисобхонаси орқали амалга оширилмоқда.

Бу ерда яна бир диққатга сазовар иш амалга оширилди. Даргоҳда ишлаётган кам таъминланган ва кўп болали оилалар ижтимоий ҳимояга олиниб, юқоридаги хизматлар учун тўланадиган барча харажатлар компания ҳисобидан қоплаб борилади. Бу хайрли ишни амалга оширишда маъмурият ва ташкилот касаба уюшма қумитаси алоҳида саъй-ҳаракат кўрсатдилар.

«ИШОНЧ» мухбири.

ҲАРАКАТДА — БАРАКАТ

Пскент шаҳридаги дуконларнинг кўпчилигидан жой олган кир совунлари «Мирмумин» кичик корхонасининг маҳсулотларидир. Ана шу кичик корхона иши билан қизиқиб қолдик.

Корхона унинг директори Зукуржон Усмонов ҳонадонига жойлашган булиб, 1995 йилнинг сентябрь ойидан буён фаолият курсатаётган экан.

-Хомашё сифатида нимадан фойдаланаяпсизлар?

-Тошкентдаги ёғ-мой комбинати билан шартномамиз бор. Қолган ишлар шу ердаги 15 кишининг меҳнати билан ниҳоясига етади. Ҳар куни 1000-1500 дона кир совунни ишлаб чиқариш қувватига эгамиз. Савдо тармоқлари билан шартнома тузишга тайёрмиз. Бундан ташқари юмшоқ стуллар тайёрлашни йулга қўйганмиз. Ҳозирги кунларда дераза ойналари тақчиллиги ҳамма жойда сезилаётганлигини ҳисобга олиб, ойна тайёрлаш ишларини йулга қўйиш ҳаракатини қилаяпмиз,-деди директор.

Кичик корхонанинг совун тайёрлаш ишлари қул кучи билан бажарилаяпти. Цех бошлиги Шуҳрат Ашуров, ишчилар Тулқинжон Усмонов, Баҳтиёр Абдураҳмонов, Тоҳир Усмонов, Григорий Кимлар чаққон ҳаракатлари билан ўз касбининг усталари эканликларини намойиш этмоқдалар.

Ҳозирги вақтда корхонанинг асосий савдо тармоғи шаҳар марказидаги қурқам бинога жойлашган. Қобул Усмонов бош булган «Мирмумин» кичик корхонасининг фирма дукони орқали сотилмоқда.

Суратда: Цех бошлиги Шуҳрат Ашуров (ўртада) ишчилар Тўлқинжон Усмонов, Баҳтиёр Абдураҳмоновлар тайёр маҳсулот олдида.
Темур ҲАЙДАРОВ сурати.

Ҳамкорлик

Тошлоқда қўшма корхона

1993 йили ДЭУ — корпорейши компанияси Узбекистон Енгил саноат вазирлиги билан Фаргона вилоятининг Тошлоқ туманида нотўқима матолар фабрикаси негизида ип-йигирув қушма корхонасини ташкил этиш тугрисида шартнома тузилган эди. Бироқ бир қатор сабабларга кура бу иш амалга ошмай келарди. Яқинда ДЭУ корпорейши компанияси Тошкентдаги вакиллигининг бош директори Жин Гон Ким Тошлоқ туманига ташриф буюрди. У Тошлоқ нотўқима матолар фабрикасининг бинолари ва иншоотларини сотиб олиш билан юз фоиз инвестиция қилишни таклиф этди. Тошлоқликлар бунга рози булишди ва фабрикани сотиб олиб, ип-йигирув корхонасининг қурилишини бошлаб юборишга тайёр эканликларини билдиришди.

ДЭУ корпорейши компанияси 60 миллион АҚШ доллари миқдорида сармоя киритиб, фабрика ип-йигирув ускуналарининг қувватини илгари мулжалланган 48 мингдан ҳам ортиқ — 70 минг урчуққача оширишни режалаштирди. Режага мувофиқ шу йил декабрь ойининг бошларида эса фабрикани ишга туширилади. Ип-йигирув фабрикаси фойдаланишга топширилгандан кейин қўшимча равишда яна 50 минг урчуқ қувватига эга булган дасттоҳларни келтириб урнатиш мулжалланмоқда. Кейинчалик эса тукув ва пардозлаш цехларини ҳам қуриш режалаштирилиб қўйилган. Келгусида, маҳсулот сотилишидан соф фойда ҳисобига турар-жой бинои, согломлаштириш маскани каби маданий-маиший бинолар ҳам қуриш кўзда тутилмоқда.

Фабрика ишга тушгач, йилига 35 миллион АҚШ долларига тенг маҳсулот ишлаб чиқариб, сотиш имконига эга булади. Умумий маҳсулот ҳамжидан 80 фоизи экспортга жунатилади. 20 фоизи эса Узбекистон ва МДҲ мамлакатларида сотилади.

Корхонада жами 756 киши меҳнат қилади. Шулардан 672 ишчи ишлаб чиқариш билан банд булади. 84 киши эса маъмурий аппаратни ташкил этади. Шундан атиги 16 кишигина кореялик мутахассислардир.

Энг замонавий дасттоҳ ва ускуналарда ишлай оладиган ишчи кадрларни тайёрлаш мақсадида 50—70 йигит-қиз конкурс асосида танлаб олиниб, олти ой давомида Кореяда малакаларини ошириб, корейс тўқимачиларининг ютуқлари билан танишиб қайтадилар.

Ахмаджон ТЎХТАСИНОВ»
«Ишонч» мухбири.

БИЗДАН СЎРАБСИЗ...

Саволларга Ўзбекистон Кимё саноати ходимлари касаба уюшмалари Марказий Қўмитаси меҳнат ҳуқуқи Бош инспектори Абдувоҳид АҲМЕДОВ жавоб беради.

Муқобил хизматни ўташ ҳуқуқига эга бўлган фуқаролар тоифаси хусусида тушунтириш беришларингизни сўрайман.

О. ОТАЖОНОВ,
Хоразм вилояти, Шовот тумани, II гуруҳ ногирони.

Узбекистон Республикасининг «Муқобил хизмат тўғрисида» 1992 йил 3 июлдаги қонунининг 3-моддасида белгиланишича, 18 ёшдан 27 ёшгача булган, ҳарбий ҳисобда турадиган, муддатли ҳарбий хизматга чақирилиши лозим булган қуйидаги фуқаролари:

ҳарбий хизматга чақирилаётган шахсдан ташқари 16 ёшга тулмаган турт ва ундан ортиқ болали оиладан булсалар;

ҳарбий хизматни ўташ даврида ногирон булиб қолган ота-онаси ёки ака-укалари булса;

диний таълимоти қурол ишлатишга ва қуролли кучларда хизмат қилишга йул қуймайдиган руйхатдан ўтган диний ташкилотнинг аъзоси булсалар;

муқобил хизматни ўташ ҳуқуқига эга буладилар.

Сизнинг ўғлингиз муқобил хизматга юборилиши учун қолган 4 та фарзандларингиз 16 ёшдан ошмаган бўлиши шарт.

Қайси тоифадаги маориф ходимлари учун уй-жойлар бепул хусусийлаштириб берилади?

А. ҚУТЛИМУРОДОВ,
Хоразм вилояти Хазорасп тумани Ҳамид Олимжон номли мактаб ўқитувчиси.

Узбекистон Республикаси 1990 йил 13 ноябрдаги «Барча турдаги мактабларнинг ўқитувчиларига, болалар уйларининг тарбиячиларига қушимча имтиёзлар бериш тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ мактабларнинг ўқитувчиларига ва болалар уйларининг тарбиячиларига улар яшаб турган давлат ва идораларга қарашли булган турар жойлар (уйлар) бепул шахсий мулк қилиб берилди, ҳамда квартира ҳақи ва коммунал хизматлар учун ҳақ тулашда қатор имтиёзлар белгиланди.

Ушбу имтиёзлар республика Президентининг 1992 йил 5 февралдаги Фармони билан олий ва урта махсус ўқув юртларининг профессор-ўқитувчилар таркибига, илмий ходимлар ва таълим-ердамчи ходимларига ҳам татбиқ этила бошланди.

Узбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги 1992 йил 2 июлдаги қонунининг 34-моддасида давлат тасарруфидаги таълим муассасалари педагог ходимларининг узлари яшаётган давлат ва идоралар тасарруфидаги уйлар ҳамда квартираларни бепул шахсий мулкка айлантириш ҳуқуқи қонун билан мустаҳкамлаб қўйилди.

Ҳизмат квартиралар шахсий мулк қилиб берилади-ми?

Н. МАМАЖОНОВА,
Наманган шаҳар соғлиқни сақлаш бўлими ходими.

Узбекистон Республикасининг «Давлат уй-жой фондини хусусийлаштириш тўғрисида»ги 1993 йил 7 майда қабул қилинган қонуннинг 12-моддасида қайд этилишича хизмат квартиралари, хоналари ва уйларининг хусусийлаштирилиши мумкин эмас.

Мен 1986 йилда умумий касаллик туфайли ногиронлик пенсиясига чиққанман ва 113 сўм нафақа пули олар эдим. Ушбу саволларимга жавоб кутаман.

1. Ҳозирги пайтда қанча пенсия олишим керак?
2. Ногиронлик сабабини ўзгартириш мумкинми?

Тўланбой ХАЙРИТДИНОВ,
Андижон шаҳар, Анисий кўчаси, 70-уй.

Ҳурматли Тўланбой ака! Тўлароқ жавоб олишингиз учун афсуски, ногиронлик гуруҳини ва иш стажингизни маълум қилмагансиз.

Узбекистон Республикасининг амалдаги «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги қонунининг (Қонун 1993 йил 3 сентябрда қабул қилинган) 25-моддасига асосан пенсия миқдори иш стажининг муддатига боғлиқ булиб қуйидагилардан таркиб топади:

пенсиянинг таянч миқдоридан;
иш стажи учун пенсиянинг оширилишидан;
пенсияга қушиладиган устама нархлардан.

Сизга тайинланиши лозим булган пенсия миқдорини аниқлаш ва қайта ҳисоблаш (индексациялаш) учун узингиз яшаб турган жойдаги ижтимоий таъминот булимига мурожаат этишингизни тавсия қиламиз.

Иккинчи саволингиз хусусида эса, яъни ногиронлик сабабини ўзгартириш учун яшаб турган жойингиздаги тиббий муассаса (поликлиника) томонидан тулдириладиган 88 шаклдаги йулланма билан тиббий-меҳнат эксперт комиссиясига (ТМЭК) касалликка оид бошқа тиббий ҳужжатларни илова қилган ҳолда, мурожаат қилишингиз лозим. Чунки юқорида қайд этилган қонуннинг 16-моддасида кўрсатилишича, ногиронлик сабаблари ва гуруҳларини аниқлаш, шунингдек ногиронлик белгиланган вақт ва ногиронликнинг қанча муддатга белгиланиши ТМЭК томонидан амалга оширилади.

Мен II гуруҳ ногирониман, ёлғиз ўзим яшайман. Қуйидаги саволларимга жавоб беришларингизни сўрайман:

1. Ишласам пенсиямни тўлиқ оламанми?
2. Автобусда кира ҳақи тўловида имтиёздан фойдалана оламанми?

Жўра ТУРСУНБОЕВ,
Жиззах вилояти, Пахтакор тумани.

1. Узбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 20 ноябрдаги VII-1289-сонли «Ишловчи пенсионерларга пенсия тўлаш тўғрисида»ги Фармонида қайд этилишича ишлаётган I ва II гуруҳ ногиронларига пенсия тўла миқдорида тўланади.

Мазкур Фармонда уруш қатнашчилари ва ногиронларига ҳамда уларга тенглаштирилган фуқароларга ва Чернобиль фалокати натижасида жабр курганларга ҳам пенсия ва иш ҳақи тўлиқ миқдорда тўланиши белгиланган.

Президентимизнинг 1995 йил 28 декабрдаги чиққан бошқа Фармонига мувофиқ эса 2-Жаҳон уруши йилларида ҳарбий мажбуриятни бажарган ва фронт ортида меҳнат қилган фуқароларга ҳам иш ҳақи билан бирга пенсиясини тўлиқ олиши тадбиқ қилинади.

2. Умуман олганда транспортда юришда имтиёзлар урush қатнашчилари, ногиронлар ва уларга тенглаштирилган шахсларга, Чернобиль фалокати қатнашчиларига ва шахсий нафақахўрларга нисбатан тааллуқлидир.

Сиз ёлғиз яшовчи ва узгалар қаровига муҳтож булсангиз, тиббий муассаса хулосасига асосан, туман ижтимоий таъминот булимида ҳисобга олиниб жамоат транспортида бепул юриш ва бошқа имтиёзлардан фойдаланишингиз мумкин.

Кимлар ҳарбий хизматга боришдан озод қилинади?

Шерзод ДЎСТМАТОВ,
Қашқадарё вилояти, Яккабоғ тумани III гуруҳ ногирони.

Узбекистон Республикасининг «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги қонунининг 18-моддасида муддатли ҳарбий хизматга чақиришдан озод қилиш белгиланган. Ушбу моддага асосан, тинчлик вақтида:

саломатлиги ёмонлашганлиги учун ҳарбий хизматга яроқсиз деб топилганлар; 27 ёшга тўлгунига қадар муддатли ҳарбий хизматга ёки муқобил хизматга чақирилмаганлар, руйхатдан ўтказилган диний идораларнинг диний рутбага эга булган ходимлари, шунингдек, тугишган ака-укаларидан бири муддатли ҳарбий хизматни ўташ вақтида ҳалок булган ф

1996 йил — Амир Темур йили

ШАРҚ МИНИАТЮРАЛАРИДА СОҲИБҚИРОН СИЙМОСИ

Юртимиз узра мустақиллик эпкинлари эсмоқда. Истиқлол нашидаси дилларга сурур солмоқда. Мамлакатимизнинг маданий-маънавий ҳаётида ҳам ибратли ишлар амалга оширилмоқда. ЮНЕСКОнинг буюк давлат арбоби Амир Темур таваллудининг 660 йиллигини халқаро миқёсда кенг нишонлаш ҳақидаги қарори қалбларга ифтихор, ҳам ғурур солди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 1995 йил 26 декабрдаги «1996 йилни Амир Темур йили деб эълон қилиш тўғрисида»ги Фармони халқимизнинг асрий орзу-умидларини рўёбга чиқариш, бой тарихий манбаларимиз ва миллий-маданий меросимиз, шунингдек инсон цивилизациясининг уйғониш даврига асос солган давлатчилик асосини ўрганиш орқали замондошимиз онгида миллий мустақиллик мафкурасини тарбиялаш борасида қўйилган навбатдаги дадил қадамлардан бири бўлди. Бунга жавобан ўзбек фани ва санъатида темуршунослик йўналиши шаклланмоқда.

Эндиликда истиқлол нуридан баҳра олган ўзбек олимлари, адиблари, санъат ва маданият аҳли Амир Темур сиймосига холисанилло баҳо беришмоқда. Қатор Европа мамлакатларида, хусусан, француз, инглиз, немис темуршунослигида бу борада талайгина ишлар амалга оширилган бўлиб, кўплаб тарихий романлар, санъат асарлари ҳам яратилган. Айрим саҳна асарлари эса кўпгина Европа театрларида XVIII асрнинг 20-йилларидан буён намойиш этиб келинмоқда.

Европа мамлакатларидан фарқли уларок Шарқ мамлакатларида Амир Темур сиймосини акс эттирувчи тарихий битиклар ва уларнинг тасвирий талқини — миниатюра асарларида кўпроқ ўз ифодасини топган.

Шарқ мусаввирлари асарларининг таҳлили шуни кўрсатадики, улар ўз ижодларида ҳукмдорлар, машҳур ва доно кишиларнинг ҳаётини алоҳида бир иштиёқ билан тасвирлаганлар. Фикримизда бунинг уч асосий сабаби бор. Биринчидан, ўша давр рассомларининг шундай мавзудаги саҳналарни тасвирлашга мойилликлари кучли бўлган. Иккинчидан, ўша давр тасвирий санъатида ҳукм сурган ижтимоий буюртма мусаввирларни шундай мавзуларни тасвирлашга мажбур этган. Учинчидан, уларнинг асарларини сюжети маълум бир тарихий ёки адабий асарнинг мазмунига асосланганлигида, яъни уни эзма асарнинг тасвирий эквиваленти эканлигида деб қараш мумкин. Ушбу асарларда эса соҳибқирон Амир Темур мукаммал тасвирланган. Бу борада Низомиддин Шомий, Шарофиддин Али Яздий, Ибн Арабшоҳ, Ғиёсиддин Али, Ҳофизи Абру каби Шарқ тарихчи ва сўзвчиларининг ҳиссаси беқиёсдир. Улар Соҳибқиронни ўз тасарруфидаги ўлкаларнинг ободончилигини таъминлаш, илму маданият равнақига раҳнамолиги, буюк саркардалик фазилатлари, дину исломга бўлган эътиқоди ва садоқатини батафсил ёритганлар. Амир Темурнинг ўзи санъат тури сифатида шаклланиши ва кейинчалик равнақ топиши учун замин яратган шарқона санъат — миниатюра санъати ҳам буюк Соҳибқироннинг фаолиятини акс эттирувчи ноёб манба сифатида ўқиб урганишга лойиқдир.

Шарқ миниатюраларидаги Амир Темур сиймосини шартли равишда уч асосий гуруҳга бўлиш мумкин. Биринчи гуруҳ асарларига Амир Темур сиймосини жангу жадалларда тасвирланиши киради. Зеро, жаҳонгир бобомиз ҳаётининг ушбу жабҳаси манбаларда атрофлича тасвирланган. Иккинчи гуруҳга дабдабали зиёфат, қабул маросимлари, фалсафий суҳбатлар саҳнаси киради. Зеро, Соҳибқирон ҳар бир ғалабасини базму жамшид билан нишонлаган, элчилар билан дипломатик мунозаралар олиб борган, олиму фузололар билан суҳбат қурган. Табиийки улар манбаларда ўз аксини топган. Учинчи гуруҳга эса диний мавзудаги асарларни киритиш мумкин. Чунки улуғ Соҳибқирон ўз ҳаёти мобайнида 5 нарсага (Аллох, тафаккур, қилич, имон, китоб (битик) қатъий эътиқод қўйган ва уларга ҳамиша амал қилган. Аввало Аллох Таолога эътиқоди буюк бўлган.

Амир Темур сиймосини турли жанглар, тўқнашув ва юришларда тасвирланишини биринчи гуруҳга киритилишига асосий сабаб шуки, Соҳибқирон ҳаётининг кўп қисми марказлашган буюк давлат барпо этиш борасидаги ҳаракатлари билан боғлиқлигидадир. Шу боис Шарқ миниатюра санъатида Амир Темур образини турли жанглар ва юришлардаги ҳолати қўплаб тасвирланган. Жумладан, Шарофиддин Али Яздийнинг «Зафарнома»сига ишланган «Амир Темур лашкарларининг Сейистонни забт этиши», «Хизрхожа уғлон улусининг ғорат қилиниши», «Турк султони Боязиднинг асир олиниши» каби миниатюрлар шулар жумласидандир. Шарқ миниатюраларини урганишнинг энг мураккаб жиҳатларидан бири — бу уларнинг асосий мазмуни ва композицион ечимини тўғри идрок этишдир. Бир қарашда миниатюра асарларини «ўқиш» жуда осондай туюлади. Сабаб уни қайси миллат вакили яратганлигидан қатъий назар у таржимага муҳтож эмас, яъни барча учун тушунарли. Аммо замондошларимиз бу борада маълум қийинчиликларга дуч келадилар. Биринчидан, миниатюра асарларини таҳлил қилиш буйича махсус адабиётлар жуда кам, борлари ҳам мутахассисларга мулжалланган. Шунинг учун ҳам Амир Темур сиймосини Шарқ миниатюраларидаги тасвирин ҳаммабоп тарзда талқин этиш уларнинг мазмуни, унда тасвирланган тарихий воқеа, асарнинг композицион ечимини тўлақонли идрок этишга хизмат қилади.

«Амир Темур лашкарларининг Сейистонни забт этиши» номли миниатюрада аёвсиз жанг саҳнаси акс эттирилган (Кейинги маълумотларга қараганда Амир Темур Сейистон лашкарлари билан жанг қилмаган. Биз жанг саҳнасининг миниатюралардаги тасвири сифатида унинг талқинини келтираяпмиз). Асарнинг колорити унинг шиддаткорона руҳига монанд тарзда иссиқ ранглар билан қорамтир ранглар устиворлигида ишланган. Асар композициясининг ўнг томонида Темур лашкарларига мардларча қаршилик кўрсатаётганларга мусаввирнинг пинҳона хайрихоҳлиги сезилиб туради. Асарнинг юқори ўнг томонидаги наъра тортиб ташланаётган шер тасвири фикримизча икки рамзий маънони англатади. Биринчидан, у Темур лашкарларига қаршилик кўрсатаётганларни ҳам дов-юракликларини ифода этса, иккинчидан, Темурни ушбу жангда голиб чиқиши муқаррарлигига ишора бўлиши мумкин. Шер тасвири билан яна бир боғланиш борки, у ҳам бўлса асарнинг сул томонида тасвирланган Амир Темур образидир. У аёвсиз ва шиддатли жанг олиб бораётган лашкарлари жангини қизатиб турибди. Лозим бўлган вазиятда жангга киришиб бир ҳамла билан уни ўз фойдасига ҳал килади. Мусаввир Амир Темур сиймосини ўша давр миниатюра санъатига унча хос бўлмаган усул — унинг гавдасини асар рамкаси билан кесиб ташлаган ҳолда тасвирлаган. Бу билан мусаввир Амир Темур сиймосининг забардастлигига ишора қилади. Асарнинг юқори марказий қисмидаги кабутар тасвирида ҳам икки хил рамзий маъно бор. Биринчидан, бу бозор, ҳимоясиз куш орқали Амир Темурга қаршилик кўрсатаётганларнинг мағлуб бўлиши муқаррарлигига ишора бўлса, иккинчидан, бу ўлка ҳам Амир Темур тасарруфига утгач у ерда албатта тинчлик, фаровонлик бўлишига ишора бўлиши мумкин. Шунингдек, карнайчилар тасвири ҳам Амир Темур ғалабаси муқаррарлигининг белгисидир.

Айни пайтда шуни таъкидлаш жоизки, Шарқ миниатюраларида Амир Темур сиймоси кўпроқ жанг саҳналарида тасвирланган бўлишига қарамай у узининг саркардалик санъати, тадбиркорлиги, бунёдкорлиги, маърифатпарварлиги ва тинчликсеварлиги билан тарихга кирди. Чегаралари шарқда Хитой деворлари, шимолда рус ерлари, гарбда Ўрта ер денгизи, жанубда Миср чегараларигача бориб тақалган кучли марказлашган ягона давлат яратиш гоясини амалга ошириш жарасида энг аввало ўзга мамлакатларга мактуб билан мурожаат этиб қўшилишни таклиф этган. Фақат рад жавоби олган ўлкаларнигина жанг билан ишгол қилган. Миниатюра санъатида бундай ҳоллар, табиийки, ситилмаган бўлсада Амир Темур сиймоларини таҳлил этиш жарасида унинг тинчликсевар сиёсатини ҳам эътибордан қочирмаслик лозим. Зеро, Амир Темурнинг умри фақат жангу жадаллардан иборат бўлган эмас.

Биз иккинчи гуруҳга кириши мумкин бўлган асарларнинг умумий тафсифини юқорида келтирдик. «Темур Самарқанд атрофида зиёфатда» номли миниатюрани ушбу гуруҳга таллуқли деб қараш мумкин.

Асарда Темурнинг набатдаги юришдан кейинги тантанали зиёфати тасвирланган. Асарнинг асосий гояси Амир Темурнинг улуглиги ва уз фуқароларига нисбатан мурувватли ва шафқатлилигини акс эттириш. Мусаввир бу борада ҳам ранг, ҳам композицион тузилиш жиҳатидан тўғри чим топа олган. Тантанавор руҳ зиёфатга файз киритиб утирган созандалар образи, кузалардаги майда қуйланса, қаҳрамоннинг ўз фуқароларига мурувватли атрофидагиларни ўзларини Соҳибқирондай буюк жаҳонгир олдида эркин тутишлари орқали акс эттирилган. Шунингдек, жанг саҳналаридан фарқли уларок Амир Темур сиймоси яшил рангли либосда тасвирланган. Асарнинг хотиржам руҳи унинг сўл юқори қисмидаги қояда утирган кабутарларда ҳам ўз аксини топган. Айни пайтда Амир Темурнинг ўнг ва сўл томонларида қуролланган навкарлар сергак турибдиларки, улар хавф тугилгидай булса Соҳибқироннинг ҳимоясига шайдирлар.

Учинчи гуруҳга кирувчи асарлар ичида «Мажолисул — ушшоқ» асарига ишланган Амир Темурнинг Амир Саидали Ҳамадоний билан бўлган диний баҳсда енггани», «Шарофиддин Али Яздийнинг «Зафарнома»сига ишланган Амир Темурнинг Қорабоғ кофирларига қарши газот урушига жунаши» номли миниатюралар диққатга сазовордир. Иккинчи асарда Амир Темур бир неча лашкарлари билан шаҳар дарвозасидан чиқиб кетаётган пайти акс эттирилган. Унинг бу юриши ғалаба билан якунланишига шубҳа қилмаган созанда мусиқа билан кузатиб қолмоқда. Ҳазрат Амир Темур қурол-аслаҳасиз тасвирланганлигига алоҳида эътибор бериш лозим. Мусаввир бу йул билан Амир Темурни ҳақиқий илоҳий иноят соҳиби, диниисломнинг эътиқодли ва ғайратли ҳимоячиси ва таргиботчиси сифатида қудратли эканлигини, Ватаннинг даҳо халоскорлигини таъкидлаб, уни барча бало-қазолардан Аллох Таолонинг ўзи асрашини тараннум этган. Бу бир жиҳатдан мусаввирнинг асар яратилган давр (1628-29 йилларда Самарқандда кўчирилган) Мовароуннаҳр миниатюра санъатида ўхум сурган диний мавзунинг тасвирланиши кучайишига хос муносабат бўлса, яна бир жиҳатдан уша даврдаги ижтимоий фикр — ҳукмдорнинг дин ҳомийси бўлиши унинг асосий ҳислатларидан бири бўлмоғи лозимлигини талқин этишдир. Бундай талқин Амир Темур ҳазратларига берилган бошқа тафсифларга ҳам мос келади. Зеро у дин ва унинг қонун-қоидаларини муқаддас билган. Ушбу асарда ҳақиқатан ҳам Амир Темур диенатли мусулмон, гозий сифатида тасвирланган. Асарнинг диний мазмунини кучайтириш учун ердамчи унсурлардан ҳам оқилона фойдаланилган. Хусусан, сарв, фотиҳа бераётган мулла тасвири шулар жумласидандир.

Буюк давлат арбоби, миллат маданияти ва маънавий тараққиётининг беназир ҳомийси Амир Темур бобомизнинг ижтимоий-сиссий меросини тарихий манбалардан, санъат асарларидан ўрганиш ва уни халқнинг маънавий мулкига айлантириш барчамизнинг ишимизга айланмоғи лозим. Зеро Президентимиз таъкидлаганидек «Уз тарихи, уз меросига юксак ҳурмат... — давлатнинг ҳам моддий, ҳам маънавий бойлиги асосини ташкил этади...».

Асқарали СУЛАЙМОНОВ,
педагогика фанлари номзоди.

Маданият хабарлари

ҲОМИЙЛАР КЎМАГИ

Тошкент вилояти кўзи ожизлар бошқарувида «Наврўз»га бағишланган тантана булиб ўтди. Маҳаллий саноат, коммунал-маиший, мебель корхоналари ходимлари касаба уюшмаси вилоят қумитаси билан ҳамкорликда утказилган баҳорий байрам йигилишида вилоятдаги шаҳар ва туманлардан вакиллар, ишлаб чиқариш илғорлари иштирок этишди.

Тантанани вилоят бошқаруви раиси Фарида Ҳасанова очар экан, жамият аъзоларининг Ватан мустақиллигини мустаҳкамлаш йўлида олиб бораётган ишларига ҳам тухталиб ўтди.

Узбекистон халқ артисти Рузимбек Муродов ёқимли қўшиқлари билан даврага ўзгача руҳ киритди. Янгийўлда жойлашган кўзи ожизлар туманлараро маданият маркази ҳамда Янгийўл шаҳар маданият уйи бадиий ҳаваскорлари куй-қўшиқ, рақслари билан қатнашчилар олқишига сазовор бўлдилар.

Ҳаваскорлар томонидан уюштирилган «Келин салом» удуми ижроси ҳам байрамга либосдек ярашиб тушди.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, «Тошвилоятгаз» ишлаб чиқариш бирлашмаси 10000 сум утказиб, байрамнинг шодиёна ўтишига муносиб ҳисса қўшдилар.

Тантанада Узбекистон қўзи ожизлар марказий бошқаруви раиси Ж. Шаматов ва Тошкент вилояти касаба уюшмалари кенгашининг раиси М. Тулаганова иштирок этдилар ва йигилганларни Наврўз байрами билан қизғин табрикладилар.

Б. ПЎЛАТОВ.

ЯКУНЛОВЧИ ОНЛАР

Тошкент Давлат университети маданият саройида «Узбекистон — Ватаним маним» мавзусига бағишланган Собир Раҳимов тумани кўрик-танловининг якунловчи босқичи бўлиб ўтди.

— Ушбу танловда, — деди туман маданият бўлимининг бошлиги Тоҳир Икромов, — 12 та жамоа иштирок этди. Ғолибларни аниқлаш машаққатли бўлди, — чунки ҳар бир жамоанинг чиқиши дилларга сурур солди.

Биринчи ва иккинчи уринга Тошкент Маданият техникуми ва Р. Глиер номидаги мусиқа мактаб-интернати ҳаваскорлари чиқди. Учинчи уринда эса Ойбек номли маданият уйи ва Тошкент Давлат университети жамоалари бўлишди.

У. УСМОНОВ.

Замонамиз қаҳрамонлари

МУРУВВАТ УРУҒИ



Америка иқтисодиётининг маълум бир тараққиёт босқичи ҳақида гапирганда, Р. Рейган даври ислоҳотларига алоҳида баҳо беришади. Бу даврда Қушма Штатларда ташкил этилган юзлаб кўп тармоқли мулкчилик объектлари тараққиётнинг асосий омили бўлиб хизмат қилди. Айнан кичик корхоналарнинг фаолият олиб боргани туфайли мамлакат иқтисодиётида катта «сакраш» амалга оширилди.

Ҳали иқтисодий ислоҳотларнинг узоқ даврини босиб ўтишга улгурмаган республикамизда ҳам мулкчиликнинг кўп тармоқли шаклларини-юзлаб кичик, хусусий, қўшма корхоналар, жамоа, ширкат ва деҳқон хўжаликлари дастлабки ютуқларни намойиш эта бошлади...

Дустлик, Ҳамдардлик, Саҳоватпешалик фазилатларини жунбушга келтирадиган Наврўз айёми арафасида букалик тадбиркор деҳқон Баҳром Пайшанов тумандаги 12 та мактаб, 4 та болалар боғчасига ташриф буюриб, 1000 нафар ўқувчига спорт кийими, 200 нафар аълочи ўқувчи учун эркаклар гарнитури, 40 дона аёллар халати тақдим этди. Таълим муассасаларида қирқ йилдан ортиқ меҳнат қилган 10 нафар кекса маорифчиларнинг ҳар бирига 1000 сўмдан пул мукофоти берди. Бу халқ манфаати, тумандошларнинг турмуш фаровонлиги йўлида амалга оширилган биргина иш эмас. Баҳром Пайшанов бозор муносабатлари шароитида меҳнат бозорида рақобатсиз ҳисобланган 180 нафар қария ва ногиронларга моддий ёрдам берди. Яхшилик, саховатлилик беиз қолмайди, албатта. Тумандаги ташкилот ва идораларнинг, умумтаълим муассасаларининг моддий базасини яхшилаш, уқувчиларни ижтимоий ҳимоя қилиш, уларда спортга бўлган иштиёқини оширишда салмоқли ҳисса қушганлиги учун Республика халқ таълими ҳамда Давлат жисмоний тарбия ва спорт вазирларидан тадбиркор деҳқоннинг номига миннатдорчилик хатлари юборилди.

Уйлаб кўрилса, бундай мартаба, обрў-эътиборни фақат ҳалол меҳнат билан топиш мумкин экан. 1991 йили деҳқон-фермер хўжаликларини тузиш ҳақида Вазирлар Маҳкамасининг 315-қарори чиққанида деҳқонларнинг аксарияти шу йулни тутишди. Кимдир ўз ишини «гуллатиб» юборди, кимдир бу йулда панд еди. Жамоа хўжаликлари ажратиб берган ер майдонлари бекорга ётган, хўжалик учун олинган моллар сўйиб еб юборилган ҳоллар ҳам кўп учради. Лекин ўша кезлари шундай деҳқон хўжаликлари ҳам юзага келдики, уларнинг фаолияти, шубҳасиз, таҳсинга сазовордир. Фикримизни Бўка туман қишлоқ хўжалик мажмуининг иқтисодий кўрсаткичлари билан тасдиқласак бўлади. 1993 йилда тумандаги «Туркистон» жамоа хўжалиги сабзавот маҳсулотлар етиштириш бўйича йил бошида 240 тонна режа-мажбурият олган бўлсада, амалда 71,4 тонна бажарди. «Жамбул» жамоа хўжалиги режадаги 25 тонна урнига 18,9 тонна сабзавот маҳсулоти тайёрлай олди, холос. Ваҳоланки, ер майдони ва ишчиларнинг сони жиҳатидан анча орқада турувчи «Дилшод» хўжалиги уз ихтиёридаги 6,2 гектар ер майдонидан 1993 йилда 74,5 тонна сабзавот етиштиришга муваффақ бўлди. Ёки гўшт тайёрлашни олайлик. «Ровот» жамоа хўжалиги 1994 йил режаси бўйича 310 центнер гўшт етиштириш мажбуриятини

Лавҳа

олган эди. Йил якунида аниқланишича, режа 5,6 фоизга бажарилиб, хўжалик бор-йўғи 17,4 центнер маҳсулот тайёрлаган. Б. Умаров номидаги жамоа хўжалиги чорвадорлари 160 центнер урнига 6,8 центнер «ҳосил» олди. Қизиги шундаки, фаолият юритаётган хўжаликлар орасида йил бошидан буён умуман гўшт топширмаганлари ҳам бор. Давлат буюртмасининг бажарилиши ҳақида эса гапирмаса ҳам булади. Хўжаликлардаги бундай «хўжасизлик»нинг оқибати натижасида қишлоқ хўжалиги инфраструктураси зиёнига ишлаб ётибди. Давлат мулкини хусусийлаштириб, унга ҳақиқий эгалик туйғуси билан ёндошган Баҳром Пайшанов тез орада уз хўжалигини ривожлантириб юборди. Фаолиятини 41 бош қорамол, 40 бош қуй ва 2 жуфт от билан бошлаган деҳқон кунига 8—10 бош сигирдан сут соғиб оларди. Фермер хўжалиги деҳқончилик ва чорвачилик соҳаси билан шуғулланиб яхши натижалар қурсатаётир. Бўка тумани ҳокимлиги Иқтисодиётни мувофиқлаштириш ва статистика бўлимининг маълумотларига қараганда, фермер хўжалиги 1994 йили ихтиёридаги 6,2 гектар ер майдонида 3 тонна буғдой, 2 тонна картошка, 1 тонна ерёнғоқ етиштирди. Шунингдек, 74 тонна сабзавот, 30 тонна полиз экинлари, 3824 кг сут ва 4810 кг гўштни давлатга топширишга муваффақ бўлди.

Баҳром Пайшанов сармоядан унумли фойдаланишни билган тадбиркор деҳқон бўлганлиги туфайли эндиликда қорамоллар сонини 90 бошга етказди. Хўжаликнинг самарали натижаларини кўрган Бўка тумани ҳокимлиги деҳқоннинг аризасига биноан йил бошида яна 10 гектар ер майдони ажратиб берди.

— Яқин келажакда «Дилшод» фермер хўжалигининг чорвачилик фаолиятини кенгайтирамиз, — дейди раҳбарнинг ўзи. — Хўжалик даромади ва шахсий маблағимиз эвазига қорамоллар сонини 200 бошга етказиш ниятимиз бор. Бу ишларни амалга оширишимиз учун эса ҳокимиятдан ер-жой ажратилишини сўраб қолардик, холос.

Чунончи, ўз даромад ҳисобига кенгайиб, фаолиятини самарали ташкил қилган хўжаликлар ҳозирги вақтда кўпчиликни ташкил этмайди. Уларнинг бир қанчаси кредит маблағлар эвазига ишлаётганини ҳам биламиз. Баҳром Пайшанов эса ўз даромадларини тўғри сарфлаётганлиги туфайли бировга қарам булиб қолаётгани йўқ. Қолаверса, унинг сармояси ҳайр-эҳсон учун ҳам бемалол етаяпти.

Дарвоқе, ҳайр-эҳсон, саховат, мурувват ҳақида яна икки оғиз сўз. Инсон руҳиятини ниҳоятда нозик талқин қила оладиган ҳадиси шарифларда айтилишича, ҳайру эҳсон қилган қалблар анчайин салобатли ҳамда мусаффо булар экан. Бўкалик тадбиркор деҳқон Баҳром Пайшановнинг қалбини ана шундай тоза, улкан тогдай тасаввур қилиш мумкин. Зеро, мурувват уругини сепишдан толмайдиган кенгфеъл, танти деҳқон келгуси йилдан 100 нафар уқувчига доимий нафақа белгиламоқчи. Серфарзанд мактаб уқитувчиларига эса онабола сигир ва пул мукофотлари бериб, уларни қуллаб-қувватлашни вазъда қилди.

Шу уринда республика иқтисодий сиесатида хусусий, урта ва кичик бизнесни ривожлантиришга алоҳида эътибор берилаётганини эслаш ортиқчалик қилмайди. Инчунин, тадбиркорлик ва хусусий мулкчилик жабҳаси кенг омма орасида ҳам тарғиб қилинаётгани бежиз эмас — бу ишларнинг барчаси халқ фаровонлиги, юқори турмуш даражаси сари ташланган қадамдир.

Н. АЛИМОВ,
«ИШОНЧ» мухбири.



Азимжон Ҳайитов ўзининг бутун умрини тарихий обидаларни таъмирлашга бағишлаган. Мана 43 йилдан буён у тарихий обидалар билан тиллашади. У Баҳоуддин Нақшбанд ва Ҳазрати Хўжаниҳаҳон тарихий мажмуалари ҳамда Туркманистон давлатидаги, Тошкент шаҳридаги обидаларни таъмирлашга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшган. Устанинг 20 дан зиёд шогирдлари бор.

Суратда: уста Азимжон ҲАЙИТОВ. Тоҳиржон Ҳамроқул сурати.

Солиқ назорати

Уриб қолиш «мусобақаси»

Бу бензин дегани жуда ғалати нарса буларкан. Қайси ёқилғи қуйиш шоҳобчасига борманг, у ердаги бензинларнинг ҳар грамми ўз хўжалари билан «йиғлаб» хайрлашишига гувоҳ буласиз. Берадиган пулингиз уларни бироз юпатади-ю, бироқ... Тулиқ юпатишга чўнтакдаги пулимизнинг куч-қудрати ҳеч қачон етарли бўлолмайдигандек туюлади кишига баъзан. Ёки нефть маҳсулотларининг ёқилғи қуйиш шоҳобчаси омборидан машинанинг бакига ўтишни истамаслигига бошқа сабаб ҳам бормикин?!

Мана, яқинда Андижон шаҳар нефть маҳсулотлари таъминоти базасига қарашли 28-ёқилғи қуйиш шоҳобчасининг қарийиб 4,5 литр бензини ҳам хўжаси Шавкат Ҳайдаров ёрдамида харидорини догда қолдирди. Машина минган бойваччага 52 сўм саксон тийин нима деган гап, деган булса керакда.

Андижон туманидаги «Куйган ёр» қишлоғида жойлашган 8-ёқилғи қуйиш шохобчаси бензинлари ҳам шу қилиқни қилишди. Улар харидор Баҳодир Раҳимовнинг чўнтагидан 60 сўм ошиқча олиб ўз хўжалари Ислом Кенжаевнинг чўнтагига солиб қуйишди. Ислом ака буни «сезмай» ҳам қоптилар. Қойил-е!

Бошқа хил ёқилғилар эса «қочқоқ» чиқиб қолишди. Ҳанузгача Андижон гумани «Орол» қишлоғида жойлашган 29-ёқилғи қуйиш шохобчаси операторн Мансур Оқилов 21 литр, «Омал» ҳиссадорлик жамияти автокорхонаси ёқилғи тарқатувчиси 11 литр, 7-автокорхона омборчиси Козим Жумабоев 9 литр, Андижон шаҳри автокомбинати операторн Одил Тожибоев 17 литр, Олтинкул тумани савдо-ҳиссадорлик жамиятига қарашли 5-автокорхона омборчиси 6 литр ёқилғининг ерга кирганн ёки ҳавога учганини билишолмай бошлари гарант. Хайрият, солиқчилар ердам бериб, пул уларнинг қайси чўнтаги тешигига тушиб кетганини аниқлашиб, бензиннинг узини булмаса ҳам пулини жойига қайтаришди.

Айтинг-айтинг, «инсофни» бензинларнинг узига берсин. Йўқса, хужалари жарима тўлашу, жавобгарликлардан қутилишмайди.

Кир совуннинг «фойдаси»

«Дукондор деганинг яқинлашгансайин булди, албатта шилиб қолади». Бу иборани кечаги даврда ҳар бир харидордан эшитиш мумкин эди. Бироқ, афсуски, бу одат баъзи дукондорларимизни ҳануз тарк этмаяпти. Мана, яқинда Галлаорол туманининг «Чувуллоқ» қишлоғида жойлашган 33-аралаш моллар дукони мудири Уктам Жураев ишонувчан харидор халтасида кетган 20 дона совуннинг узидан 68 сўм уриб қолди. Уша куни қушни «Абдукарим» қишлоғида жойлашган 15-аралаш моллар дукони мудири Олим Муҳаммадиев ҳам 15 дона кир совуннн сотаётиб ҳ.. идор ҳақидан 45 сўм уриб қолди.

Уларга нисбатан шу йил 6 март куни жиноий иш қузғатилди.

Ибодулла ЎСАРОВ,
Давлат солиқ қўмитаси
Матбуот хизмати ходими.

Инсон ва қонун

ҚОРАДОРИФУРУШЛАР

Қашқадарё вилоят ички ишлар бошқармаси ва жиноят қидирув бўлими ходимлари томонидан олиб борилган оператив тадбирлар натижасида наркобизнес билан шуғулланиб келаётган бир қатор шахслар жиноят устида қўлга олинди. Қарши шаҳрининг Хлопковая кучасидаги 5-уйда яшовчи, ҳеч қаерда ишламайдиган Вячеслав Зангиев, Пахтазор микрорайонидаги 28-уйда яшовчи, 1963 йилда туғилган, ҳеч қаерда ишламайдиган Татьяна Гладишеева, Қарши шаҳридаги 3-микрорайоннинг 17-Б уйда яшовчи, 28-механизациялашган кучма колонна ишчиси Александр Шириновский биргаликда харидорга 2 кило 200 грамм қорадорини 7000 долларга пуллашаётган пайтда қўлга тушдилар.

Деҳқонобод туманида гиёҳванд моддалар билан савдосотиқ қилаётганлар кўп экан. Жумладан, Қарашина қўрғонида яшовчи, тумандаги 7-дорихонада сотувчи бўлиб ишловчи Қамбар Бердиқулов 2 кило 745 грамм қорадорини 240 минг сумга сотаётган пайтда фош этилди. Шу туманнинг Усмон Юсупов номли жамоа-ширкат хўжалигига қарашли Тўдачорбог қишлоғида яшовчи, 1965 йилда туғилган, ҳеч қаерда ишламайдиган Абдураҳмон Бозоров гумонланиб милиция ходимлари томонидан тухтатилганда сумкасида 1 кило марихуана олиб юрганлиги аниқланди.

Чироқчи туманидаги «Қалқама» жамоа-ширкат хўжалигининг Тарагай қишлоғида яшовчи, 1961 йилда туғилган, ҳеч қаерда ишламайдиган Абдурасул Мирзаевнинг уйидан 8 кило марихуана топилди. Шаҳрисабз туманидаги Улуғбек номли хўжаликда яшовчи, 1972 йилда туғилган, ҳеч қаерда ишламайдиган Уткир Боймуродовнинг уйидан эса 500 грамм наша чиқди. Гиёҳванд моддалар орқали катта бойлик тўпламоқчи булган бу шахслар устидан тергов ишлари олиб борилмоқда. Вилоят ички ишлар бошқармаси гиёҳвандлик ва наркобизнесга қарши курашни кун сайин кучайтирмоқда.

М. КЕНГБОЕВ,
«ИШОНЧ» мухбири.

Ёзувчи ижодхонасида

УЙҚУ КЕЛМАС КЕЧАЛАР

Абдуқаҳҳор ИБРОҲИМОВ

романдан парча



Таниқли адиб Абдуқаҳҳор Иброҳимов 1939 йили Тошкентда туғилди. Тошкент давлат университети ва Москва Олий адабиёт курсини тамомлади. 1960 йилдан бошлаб наср, драматургия ва мақола - навислик жанрларида ижод қилиб келади. Унинг «Қоя остида»,«Сўнгги нур», «Осмон яқин, ер юмшоқ», «Биринчи бўса» сингари ўнлаб китоблари чоп этилди. «Арра», «Мени айтди деманг», «Зўлдир», «Бу замон ўғлони», «Тусмол», «Сочқи», «Товушсиз қарсаклар», «Офарин», «Пуч», «Шайтон йўли» каби комедиялари билан элга танилди.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Абдуқаҳҳор Иброҳимов яқинда «Уйқу келмас кечалар» романини ёзиб тугатди. Эътиборингизга инсоний муҳаббат, меҳр-оқибат, софлик ва садоқат ҳақидаги шу романдан парча ҳавола қилаётирмиз.

... Июль ойининг охирлари эди. Янада согломлаштириш мақсадида сизни физиотерапия шифохонасига ётқиздим. Сизга алоҳида палата ажратиб беришди. Физиотерапия институтининг директорию шифохона бош врачи назорати остида тажрибали врачлар сизни даволай бошладилар. Албатта ҳар куни - гоҳ эрталаб, гоҳ пешинда, гоҳо кечқурун сизни йўқлаб турдим. Орадан тўртбеш кун ўтгач, пешин пайти борсам... не кўз билан қурайки, сиз бир алфозда тушакда гужанак бўлиб ётибсиз, кўзларингиз ичичига тушиб кетган, рангингиз докадек оқарган, калта-калта нафас оласиз, гўё қаҳратон қишда муздек сувга ботириб олиб, тафти йўқ қуёш тушиб турган йўлка четига, девор тагига қўйиб қўйилган мусичадек жунжикиб қалтқалт титрайсиз, хуллас аҳволингиз жуда танг. Мени кўриб ўрнингиздан туриш у ёқда турсин, хатто бошингизни кутара олмадингиз ҳам. Менга салом бермоқчи бўлдингиз, лекин салом беришгаям қувватингиз етмай, овозингиз эшитилмади, фақат лабларингиз пичирлади, холос. Куни кеча шифохона богларида ўйнаб-кулиб сайр қилиб юрган соппа-сог одам орадан бир кеча-кундуз ўтмасдан, бундай аҳволга тушиб қолса-я! Кеча кечқурун келганимда мени кўча бошигача кузатиб чиққан эдингиз. Бугун эса мисоли усал.

-Нима қилди сизга, Ёқутхон?- дедим эгилиб бошимни юзингизга яқин олиб бориб.

-Бугун эрталаб нотўғри укол қилиб қўйишибди, - зўрга-зўрга тухтаб-тухтаб пичирладингиз, -уладиган ҳолатга тушдим. Қўплашиб уколларни аямай, капилница устига капилница қўйиб, мени бир улимдан олиб қолишди, гўр огзидан қайтдим шекилли.

-Ҳе, совуқ гапларни қўйинг, - жеркиб бердим мен. - Одам деган булар-булмасга тушкунликка тушаверадими, ахир. Дадил булинг, шу бугуноқ оёққа туриб кетасиз.

-Юпатинг-а, юпатинг,- дединг из сал жонланиб, ним табассум қилиб.Узи сиз юпатишга устасиз. Кунглимни кўтариш учун шундай қиляпсиз.Ҳақиқатдан ҳам аҳволим оғир, бошим гир-гир айланади, кунглим айнияпти, аъзойи баданим зирқираб огрияпти.

-Бўлмаса мен докторни чақирай, бошқа чораларни кўришсин.

-Керакмас. Улар ҳамма чораларини кўришди. Энди ўзим курашишим керакка ухшайди.

-Булди, дадил булинг, биргаликда курашамиз. Мен енингизданмен - табуреткани суриб, каравотингизга тақалиб утириб олдим.

-Раҳмат, -дединг из сиз, - духтир дўстларингизга ҳам раҳмат. Уларга менинг номимдан ҳам ташаккур билдириб қўйинг. Улар узлуксиз тепамда туришди, парвона булишди. Ҳалигина, сиз келмасдан сал аввал, бироз ўзимга келгач, жойжойларига кетишди. Биламан, ҳаммаси сиз туфайли, ҳаммаси сизга булган ҳурматлари туфайли. Бўлмаса мен ким булибман ўзи,- деб қулингизни тиззамга қўйдингиз, меҳр ила майин боқиб.

-Сизми, сиз буюк зотсиз, онасиз, қалбимни узига ром этган рафиқамсиз,- дедим мен манглайингиздаги муздек тер томчиларини оҳорли, сутдек оппоқ румолчам билан аста-аста артиб қўйдим.

-Билмадим, сиз бўлмасангиз ҳолим нима кечарди,-дединг из, тўсатдан жим қолдингиз, кузларингиз орқага тортиб кетгандай туюлди. Мен қўрқиб кетганимдан деярли бақириб юбордим:

-Ёқутхон!..

Сиз овозимданми, бошқа илоҳий куч таъсириданми узингизга келдингиз, рисоладаги қарашингиз қайтдингиз.

-Ёқутхон, азизам, нима бўлаяпти, ўзи, нега одамни қўрқитасиз. - дедим мен қошу кузларингизни, юзларингизни силаб-сийпаб. - Духтир чақирайми?

-Йўқ, керакмас, кўзим шунчаки тиниб кетди-да. Бўлди, утиб кетди. Яхшиман. Худога шукур.

-Сиз менга кераксиз, ҳа, шуни билиб қўйинг,-дедим мен қўлларингизни кафтларимга олиб, маҳкам сиқиб. -Қуш осмонсиз,балиқ сувсиз, вужуд руҳсиз яшай олмаганидек, сиз ҳам менга сув ва ҳаводек зарурсиз.

-Биламан, шуни билганим учунмас бугун омон қолдим-да, бўлмаса уколдан қоним захарланган-а? Узим тиббиётдан сал-пал хабардорман, бундай ҳодисадан кейин камдан-кам бемор саломат қолади. Сизнинг бахтингиз учунми...

-Болаларнинг бахти учун ҳам...

Ўзбекистон — Ватаним маним!

ТУГАНМАС ҚЎШИҚ

Зомин туманида ўтказилган «Ўзбекистон — Ватаним маним» кўрик-танловида элликка яқин якка ижрочи ва гуруҳлар иштирок этди. Энг яхши қўшиқлар томошабинлар томонидан олқишланиб турди. Зеро, томошабин адашмайди. Танловни ўтказувчи ҳайъат аъзолари биринчи ўринга Икромжон Қўшназаровни муносиб деб топди.

— Икромжон, сизнинг ижроингизни томошабинлар алоҳида эҳтиром ва қарсаклар билан тақдирлашди. Қарсаклардан ҳаяжонга тушган бўлсангиз керак?

— Томошабин барча турдаги ижодкорларни қарсаклар билан олқишлаши табиий. Айниқса, санъаткорлар бундай имкониятга кўпроқ эга. Ҳаваскор сифатида санъат оламига эзгу ниятлар билан қадам қўйишимдан мақсад, халқимга манзур бўладиган бирон қўшиқ яратишдир. Қўшиғим кўпчиликка маъқул келиб, олқишларга сазовор бўлган эканман, бу йўлда адашмаганлигимга имон келтирдим. Бунда «Ўзбекистон —Ватаним маним» кўриктанловининг роли катта бўлди. Албатта, қарсаклар ёғилиб тураверса яхши. Лекин унга суяниб ҳам қолмаслик керак. Қарсаклар ҳам ҳар хил бўлади...

— Қўшиқ айтишда тақлидчиликка муносабатингиз? Сиз ҳам тақлид қилганмисиз?

— Шахсан менинг назаримда қўшиқчиликда тақлидсиз бирон нарсага эришиб бўлмайди. Жуда ёшлигимдан қўшиқ хиргойи қилганман. Лекин 9-синфда ўқиётганимда хушовоз хонанда Муҳриддин Холиқов қўшиқлари мени бутунлай ўзига сеҳрлаб қўйди. Унга тақлид қилиб қўшиқлар ўргандим. Тўғриси, болаликда инсон қалби бегубор бўлади. У кимга, нимага ҳавас қўйса, шунга эргашади. 9-синф ўқувчиси тақлид нима эканлигини ҳам билмайди. Бундай расмий сўзларни энди эшитиб, энди тушунаяпман. Албатта, озми-кўпми қўшиқ ижро этиш йўлларини ўрганаяпман. Санъатда ўзига хос овоз ва йўналишга эга бўлиш кераклигини англадим. Шундай бўлсада, мен М. Холиқовни ўзимнинг биринчи устозим деб биламан. Унинг қўшиқлари мени сеҳрламаганда, эҳтимол қўлимга соз олмаган бўлардим.

— Қайси жанр кўпроқ табиатингизга мос келади?



Ҳозирча эстрада жанрида машқ қилаяпман.

— Туман меҳнаткашларига қандай хизмат кўрсатаяпсизлар?

— Аввало, бизнинг «Сайқал» гуруҳи мустақил, хусусий жамоа. Унга Одил Баҳриддинов раҳбарлик қилмоқда. Сафимизда Шукрулло Эшонқулов, Баҳриддин Шойзоқов каби мусиқачилар бор. Мусиқа асбобларини ўз ҳисобимиздан сотиб олганмиз. Мавсумий ишларда дала меҳнаткашларига, мактаб ўқувчиларига концерт намойиш этяпмиз. Пахта терими, ғалла уруми ва бошқа мавсумларда, Наврўз байрами ва Мустақиллик кунлари алоҳида дастур билан томошабинларга концерт кўрсатамиз.

— Орзуларингиз?

— Юқорида айтганимдек, жуда ёшлигимдан қўшиқ айтганман. Лекин унда келажакда санъаткор бўламан, деган ўй-хаёл бўлмаган. Нима бўлса яратгандан дейди. Яратган эгам қўнглимга, қалбимга санъаткор бўлишдек орзуни жойлаган экан, орқага қайтиш йўқ. «Санъат йўлига тушдим, санъат саодатимдир» деб куйланади бир қўшиқда. Мен учун ҳам қўшиқ айтиш куйлаш кундан кун саодатга, мақсадга айланиб бораяпти. Келгусида уқиб, маълумотимни ошираман.

Мен зомин туманининг чекка қишлоғи-Жалоирда туғилганман. Лекин маданий муҳитдан, марказдан узоқдамиз деб нолимасак ҳам бўлади. Оммавий ахборот воситалари жойлардаги талантларни топиб, уларни тарғиб қилишга катта эътибор бермоқда. Ўзбекистон телевидениеси бизнинг гуруҳ иштирокчиларининг бир неча қўшиқларини ёзишни режалаштирган. Бу бизни янада руҳлантирмоқда. Оммавий ахборот воситлари мана шундай тарғибот ишларини янада жонлантирса, жойлардаги талантларни ҳалққа яқинлаштиришда хайрли иш қилинган бўлар эди.

— Сиз севган, танлаган мавзу?

— Биз кўпроқ маҳаллий шоирлар билан ҳамкорлик қилиб турамиз. Шу кунгача озми-кўпми қўшиқ яратдим, томошабинлар ҳукмига ҳавола этдим. Тўғриси, улардан кўнглим тўлмайди. Менинг асосий мавзум — Ватан. Ватан ҳақида қўшиқлар кўп. Лекин шоир Муҳаммад Юсуф айтганидек, шеърда Ватан сўзини ишлатмасдан ҳам, жуда ажойиб қўшиқ яратиш мумкин. Зеро, Ватан сўзи муқаддас. Унинг қадрини, азизлигини қалбдан ҳис этиш керак. Мен шундай қўшиқ яратсамки, унинг сатрларида Истиқлол шуълалари, юрт жамоли мана мен деб барқ уриб турса. Унда заҳматкаш халқимизнинг одамийлиги, меҳрибонлиги, бағри кенглиги, болажонлиги акс этиб турса. Унда буюк аждодлар руҳи, миллий қадриятларимиз, туғилган гўшага соғинч ҳислари жўшиб турса. Юртимизнинг табиий бойликлари, чексиз имкониятлари кўриниб турса. Бу гаплар янгилик эмас. Республика Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон-Ватаним маним» қўшиқ кўрик-танловини ўтказишда ҳам айнан шу жиҳатларга кўпроқ эътибор берилиши таъкидланган.

Зомин тумани бўйича ўтказилган кўрик-танловда ғолиб чиққан қўшиғим ҳам шу жиҳатларга озми кўпми хизмат қилади. Уни ёш қаламкаш Бурхон Шерматов ёзиб берган, халқ куйи, шу билан биргаликда республикамизнинг атоқли шоирларининг шеърлари асосида ҳам дастур тайёрламоқдамиз. Қаерда, қачон қўшиқ атмайин, биринчиси Ватан ҳақида булади. Зеро, мен учун Ватан — битмас туганмас қўшиқ манбаидир.

Икромжон Қўшназаров ана шундай эзгу ниятлар билан қулига соз олиб, қўшиқ айтмоқда. Бир вақтлар у Муҳриддин Холиқовга тақлид қилган бўлса, энди кўпчилик ҳаваскорлар айнан Икромжонга тақлид қилишмоқда. Унга ўхшаб қўшиқ айтишга ҳаракат қилмоқдалар. Қисқаси, шогирдлар етишмоқда. Қаердадир, кимдир сенинг қўшиғингни эслашса, узоқ хиргойи қилса, бу ўша санъаткорнинг бахти. Чунки сен эл орасида, ихлосмандлар орасида яшаяпсан. Ана шундай бахт ва толе Икромжонга ҳамиша йўлдош бўлиб қолсин.

Абдусаттор СОДИҚОВ.

Суратда: ғолиб «Сайқал» гуруҳи.

Ўзингизни билинг!

АЁЛЛАРГА ЎН САВОЛ

Эр-хотин ўртасидаги муносабатлар ва оилавий ришталарингиз қай даражада мустаҳкам? Қуйидаги саволларга жавоб берсангиз - бу ҳақда бир қадар тасаввурга эга бўлишингиз мумкин. Уларни чеҳияллик рухшунослар ва ижтимоиётчилар тайёрлашган.

	Ҳа	Баъзан	Йўқ
1. Турмуш ўртоғингиз сизга нисбатан ширинсуз, меҳрибон деб ҳисоблайсизми?	10	5	2
2. Эрингиз Сизни хизматдаги муаммолари ҳақида хабардор қилиб боришини истайсизми?	4	2	8
3. Сиз яшира олмаган ёмон кайфиятингиз оила муҳитини заҳарлаган пайтлар бўлганми?	7	1	2
4. Ҳуштаъм таомлар бузилган кайфиятингизни кўтара оладими?	10	3	4
5. Эрингиз Сизнинг маслаҳатларингизни очиқ кўнгиллик билан қабул қилади деб ўйлайсизми?	6	0	1
6. Барча дам олиш кунларингизни уйда ўтказасизми?	9	7	2
7. Эрингизнинг бирон нарсага ишқибозлигини маъқуллайсизми?	2	5	8
8. Эрингизнинг муваффақиятларидан қувонасизми?	3	2	10
9. Эрингизнинг иши Сизнинг уз ишингиздан пастроқ деб ўйлайсизми?	10	0	1
10. Эрингиз олдида ҳар бир қулай фурсатдан фойдаланиб болаларингизга муҳаббатингизни намойиш этишга ҳаракат қиласизми?	8	2	2

Ушбу синов-суровлари бўйича тўпланган очколарингиз хулосасини газетамизнинг келгуси сешанба сонида ўқийсиз.

Газетамизнинг 28-сонида босилган «Худбин эмасмисиз?» синов-сўровлари натижалари бўйича хулосалар:

31 дан кўпроқ очко

Ростмана худбин эканлигингизни ўзингиздан яшириб ўтиришнинг ҳожати йўқ. «Аввало ўзим, ундан кейин - бошқалар!» - бу Сизнинг ҳаётий шиорингиз. Дўстларингиз йўғига ажабланишга ўрин йўқ.

27 дан 31 очкогача

Бошқалар ишн ва ташвиши Сизни лоақал озгина қизиқтирганида - дўстларингиз кўп бўларди. Худбин эмасдирсиз-у, лекин Сизда диққат-эътибор етишмайди.

20 дан 26 очкогача

Демак, Сиз ҳамиша ёрдамга тайёрсиз. Ташқаридан Сизга бўладиган талабчанликнинг ўзгаришидан халос этадиган даражада худбинликнинг соғлом меъёрини сақлаб қолишга қодирсиз.

20 дан кам очко

Феъл-атворингиз ғоят беқарор. Баъзан ўзингизни чинакам худбин сифатида тутасиз, баъзида эса бегараз самимийлигингиз билан атрофдагиларни таажублантирасиз. Фақат ёшлигингизгина бундай ҳолатингизни оқлаши мумкин. Буёғига ўз ҳатти-ҳаракатларингизни бошқаришни ўрганганингиз маъқул.

МУНАЖЖИМЛАР ТАЪБИРИ-САЛОМАТЛИГИНГИЗНИ АСРАНГ!

(17-23 апрель кунлари учун)

17 апрелда Ой «Қўй» буржидан ўтади. Шунинг учун бош ва юзда қилинадиган тигли муолажаларни кейинроққа суришни маъқул кўрамиз. Шу куни тишингизни ҳам олдирманг. Шунингдек, мазкур кунда кўз шокосасининг ичи заифлашган булиб, бу аъзода ҳам тигли муолажа тавсия этилмайди.

Бу кун буйраклар ва сийдик йўлларида тигли муолажалар учун қулай ҳисобланади. Серҳаракатлик, серзардалик ва сабрсизликдан ўзингизни тийишга ҳаракат қилинг. Зеро, бу саломатлигингизга путур етказиши турган гап. Бунинг устига кейинги куни рўй берадиган қуёш тутилишини ҳиссиётлар мувозанатига эга булишган ҳолда қаршилаш ва бунда бошқаларга ҳам ҳалақит бермаслик керак.

18 апрель эрталаб соат 4 да Қуёш тутилиши кутилмоқда. Қуёш «Қўй» буржидан бошлаб қорая бошлайди. Демак, ташаббусларингизни муваффақиятли намоён этиш учун бу воқеадан бир неча кун олдинданоқ Сиз ҳаётий режаларингизни аниқ уйлаб олишингиз, ҳаётий нуқтаи-назарингиз, идеалларингизни аниқ тасаввур этишингиз зарур.

17-18-19 апрель кунлари спиртли ичимликларни истеъмол қилишдан тийилинг. Чунки бу Қуёш тутилиши билан бирга Сизнинг уй-режаларингизни аниқлаб олишингизга ҳалақит беради. 18 апрель эрталаб сув ҳароратини иссиқ-совуқ-иссиқ тартибида узгартириб, душ қабул қилиб, яхшилаб қурунгунча артиниш Сиз учун фойдаси булади.

Қуёш тутилган куни ҳаммага ҳам уз ташаббуслари, фаолликлари ва иродалари хусусида чуқур уйлаб олиш фойдадан ҳоли булмасди. Бу интилишларингиз нимага йўналтирилган. Бугунги кун ташвиши билангина яшаяпсизми ёки келажак ҳақида ҳам қайгурасизми?

18-19-20 апрель кунлари Ой «Сигир» буржидан утади. Шу туфайли мазкур кунларда томоқ, буйин ва бутун эндокрин тизимидаги аъзоларимиз заифлашган булади. Бинобарин, шу кунлари бу аъзоларда тигли муолажалар тавсия этилмайди. Озиқ-овқатлар сифатига сезгирлик бир мунча ошиши туфайли очлик муолажаси ёки танага енгиллик берувчи қатъий парҳезлардан тийилишни маслаҳат берамиз. Юқоридаги уч кун мобайнида жинсий аъзолардаги тигли муолажа ва даволанишнинг бошқа усуллари самарали булади. Эндокрин безларида тигли муолажалар тавсия этилмайди.

21-22 апрель кунлари мобайнида Ой «Эгизак қизалоқлар» буржидан ўтади ва шу кунлари ўпка, нафас олиш йўллари ҳамда оёқ-қўллар хасталикларга кўпроқ мойил булиши кутилади. Одам танасининг соф ҳавога эҳтиёжи кучаяди. Оғир ўпка хасталикларидан азият чекувчи беморлар буни айниқса қаттиқ ҳис этадилар.

23 апрелда ошқозон бир мунча заифлашади. Шунинг учун ошқозонда тигли муолажа ўтказмаган маъқул. Спиртли ичимликлар ҳамда кучли таъсир этувчи кимёвий дорилар (оғир ҳолатлар мустасно) истеъмоли мутлақо таъқиқланади. Танадан турли хилтлар ва тошларни суриб чиқарувчи муолажалар тавсия этилади. Шу кун барча бўғим касалликлари, умуман суяклар ҳамда қораталоқдаги хасталикларни даволаш учун ғоят қулай фурсат ҳисобланади.

«Сигир» буржида (20 апрелдан 20 майгача) туғилганларни таваллуд кунлари билан қутлаймиз. Сиз учун ўз ижодий иқтидорингиз, ташаббус ва ғайратингизни намоён этишингизга энг қулай давр бошланмоқда. Табиат сизни санъатнинг барча турларида ғузаллик, баркамолликка муҳаббат туйғуси билан алқаган экан, ташқи дунёда ғузаллик ва комиллик қанчалик намоён булиши ҳамда қарор топиши сизнинг ўзингизга куп жиҳатдан боғлиқдир.

Умуман, ўз ички дунёсида ғузалликни қарор топтириш ҳамда ташқи дунёда шу ғузаллик ва баркамолликни таъминлашга интилиш ҳар бир инсоннинг бурчи. «Зулматни тарқатиш» ҳар қандай инсоннинг олий вазифаси. Зулматни, қоронғуликни тарқатиб, ёруглик-рушноликни яқинлаштириш учун қурашни ҳар ким ўзидан бошлаши зарур.

МУҲАББАТ, МУҲАББАТ...

Муҳаббат... Нима у? Бахтми, бахтсизликми?

Атрофга боқаман. Севгида омади чопмаганлар «муҳаббат йўқ», деб ҳайқиришади. Аммо ким учундир жонини фидо қилишга тайёр юраклар тубида бир сўз жаранглайди: «У - бор. У - менинг ҳаётим».

Муҳаббат кучаси... Унинг гоҳи баланд, гоҳи паст суқмоқларидан адашмай юриб, ўз бахтини топа олган кишиларгина ҳақиқий ишқ эгаларидир. Қийинчиликлару норозиликлар гирдобида қолиб кетган муҳаббат туйғулари бир умрлик армон, холос. Шул сабаб бошлар эгик, қадлар дол. Хотирада эса сўнгги учрашув, сўнгги кузатиш... Оёқ остидаги хазонлар ҳам сизнинг дардингизга шериқдай ғамгин шитирлайди. У эса кетди... Барча азобларини, узининг азобларини-да сизга ташлаб кетди...

«Муҳаббат йўқ!» Чирқирайди қийноқда қолган руҳ. Тинимсиз қуйилаётган саволлар сизга тинчлик бермайди: «Наҳотки севмайди? Наҳотки муҳаббат йўқ булса?»

Муҳаббат аччиқ... Энди у сизга бегонадек туюлади ва уни... эсга олмасликка уринасиз... Муҳаббат куйдиради...

Хиёбон уриндиғида бахтдан масрур йигит билан қизни қуриб, дилингиз қувнайди. Уларга ҳавас билан боқасиз. Эртаси куни яна ўша йигитга назарингиз тушади. Таниш қиёфа. Бироқ... унинг ёнида кечагидан ҳам гўзал бошқа қиз хандон кулади. Кўзларингизга ишонмайсиз: «Наҳотки, кечаги учрашув...» Шуми сизни утларда ёқаётган муҳаббат? Йўқ! Бу муҳаббатга хиёнат, бу гуноҳ! Жавобсиз ўйлар, саволлар... Муқаддас инсоний туйғуларга ҳавас деб қараётган ўша йигит билан қиз кўпи билан 18-19 ёшда. Демак, ҳаёт қасрига эндигина қадам қўйишаяпти. Илк қадамларини хиёнат кучасига бурган бу ёшларнинг севгию садоқатига ишониш мумкинми?

Муҳаббат... У йиғлатади. Унинг кўз ёшлари аччиқ.

Муҳаббат... У билан олам мунаввар, инсон эзгуликка йўлдош. Қалби муҳаббатга тўлиқ инсон ҳеч қачон қабиҳликка қул урмайди. Ҳар гал унга кўзингиз тушганида, юрагингиз ҳаприқиб кетади. Нимадир демоқчи буласиз. Оғиз жуфтлайсиз-у, ногоҳ уни ранжитиб қўйишдан чўчиб, яна жим қоласиз. «Ахир, қачонгача индамай юрасан?» - сескантиради ички овоз -Балки севгани бордир... Йўқ, йўқ! Наҳотки севиб севилган булса?! Уни йўқотиб қўйишингиз мумкинлиги сизни даҳшатга солади.

Севиб улгурган қизлар... Севишга улгурмаган қизлар... Улар орасида тафовут бормикин? Уларнинг ую-ҳаёлида нелар акс этади?

Қаранг, бахтни орзу қилиб юрган масъума қизларнинг тушларига оқлик, софлик кираркан. Унинг кўзларида дуне энг ёркин ранглар билан жилваланади. Ун саккизга кирган қизнинг хунуги булмайди, дейишади. Уни гўзалликка буркаган туйғу - муҳаббат эмасми?

Севишга улгурмаган қизларнинг кўзларида муҳаббат кулади. Бирорта йигит ўз кучасидан икки-уч бор ўтиб қолса ҳам фақат унинг учун ўтаётгандек, уни муҳаббат баҳсига чорлаётгандек... Муҳаббат ана шундай гўзал! Унинг гўзаллиги оламни яшнатади...

Муҳаббат... У -ширин. Унинг азоби-да ширин. Ана ўша ширин азобга дош бера олсангиз, ҳақиқий ишқнинг соҳиби булишингиз мумкин. Сиз бахтлисиз, қачонки юрагингиз муҳаббат дея тепса, томирларингиз муҳаббат, дея урса.

Муҳаббат... У нафақат сизнинг юрагингиз, балки бутун вужудингизни қамраб олади. У сизнинг ҳаётингизга ҳамоҳанг. Қалбингиздаги муҳаббат Яратганга, Ватанга, Онага, ёрга, фарзандларга, касбга... ҳамма-ҳаммага етади. Фақат сиз унга эътибор беринг. Жоҳил булманг. «Менда муҳаббат йўқ», деган киши юрагининг ҳам бир бурчида ишқ оташи занглаб ётибди. Фақат уни жоҳиллик шу куйга солган, холос. Аслида муҳаббатсиз одам булмайди. Муҳаббат туйғуларини синдирманг, аксинча, асранг, авайланг...

Муҳаббат... У-умид, у -ишонч. Келажакни, муҳаббатга лиммолим оппоқ тонгни кутиш нақадар тотли!

Муҳаббат... У барҳаёт, у йиғлатади, куйдиради, куттиради...

Дилфуза ЖАРБЕКОВА,
Гулистон шаҳри.

ҲИЛОЛ

ЮРТИМ МАДҲИ

Юртим сенинг мадҳингни,
Қанча таърифласам оз.
Истиқлол илҳом бериб,
Мен қулимга олдим соз.

Мусаффо осмонингда
Учиб юрган урдак, ғоз,
Чучиш нима билмасдан,
Қилурлар эркин парвоз.

Яшна юртим, обод бўл,
Бағринг тулиб уссин гул.
Жаҳон сени таниди,
Ҳақдир биз танлаган йўл.

Бегмат БОБОРАҲМАТОВ.

НОЗ ҚИЛСАЛАР ҚИЗЛАР

Ҳаётдан тўймай қолмай, кулиб ноз қилсалар қизлар,
Қалбда нафис куй чаламан, кулиб ноз қилсалар қизлар.

Мажнун каби чўллар кезсам, канал қазсам Фарҳод каби,
Мисоли Рустам бўламан, дардим оз қилсалар қизлар.

Ишқ бобида гуллар терсам ороланиб қизлар билан,
Ҳар дамда завққа тўламан, кунглим ёз қилсалар қизлар.

Юракларга ларза солиб, қалбни қалбга боғласалар,
Ишқида куйган юракка, билиб роз қилсалар қизлар,

Севгим, вафо шевасида айтар қушиқ Файзуллобек,
Узим хушбахт ҳисоблагум, менга ноз қилсалар қизлар.

Файзулло БОЛТАЕВ,
Тошкент маданият институтининг 3-курс студенти.

ҲАРАКАТ ҲАҚИДА

Мендан сўрадинг, ўртоқ, тўқ яшашга маслаҳат,
Кўрмай десанг камчилик, ҳаракат қил, ҳаракат.

Хоҳлайсанми чорвани ёки деҳқончиликни
Нима қилсанг ўз ишинг, ҳаракатда-баракат.

Осон эмас, ҳар соҳа, дўл урганда қайта эк:
Шошилма, феълни кенг қил, бўлма асло бетоқат.

Дангасалик томиринг тутса агар, иш чатоқ
Сал бушашсанг, албатта сенда бўлар ғам қат-қат.

Меҳнатнинг таги роҳат, шуни унутма, Тура,
Хор-зор бўлмайин десанг, ишла астойдил фақат.

Тўра ЖУМАН.

Бўш вақт-олтин вақт

ФИДОИЙ МУРАББИЙ

Сулаймон мактабда ўқиб юрган кезларидаёқ футбол деса, ҳар нарсага тайёр эди. Оиласидаги беш акаука ҳам асли футбол шайдоларидир. Бу қизиқиш уни кўпчиликка танитди. Инсон кўп нарсага қизиқади. Кучли спортчи бўлиб етишиш оддийроқ иш аслида. Лекин яхши устоз бўлиб етишиш мушкул. Бунинг учун инсонда ута фидоийлик хислати бўлиши керак. Сулаймон Бойбутаев айнан шундай фидоий спорт устозларидандир. Оққўрғонда футболни ва умуман, спортни ривожлантиришда энг сермаҳсул меҳнат қилаётган инсон ҳам шу йигитдир, деса ҳеч муболага бўлмайди.

Султонобод жамоа хўжалигида жойлашган 43-ўрта мактабда ишлаб юрган кезларида оддий қишлоқ қизларини енгил атлетика бўйича тайёрлантириб, мусобақаларга олиб бориб, бир неча бор туман ғолиби бўлди ва вилоят биринчиликларида ҳам иштирок этишди. Туманимиз спорти тарихида ҳам илк бор спорт устаси (бокс) шу мактабдан етилиб чиқди. 1989 йил Москвада ўтказилган 1 ишчилар спартакиадасининг велопойга туридан кумуш медал совриндори бўлганлар. Ҳозирги кунда йирик мусобақаларда рум-юнон кураши бўйича оғир вазнда иштирок этаётган таниқли курашчи Шермуҳаммад Қўзиев ҳам айнан шу мактабда Сулаймон Бойбутаев ўгитларини олган спортчилардир. Бевосита ўзи иш олиб борган футбол тўгараги аъзолари 1989 йилда вилоят спорт қумитаси биринчилигида (15-16 ёшлилар) 1ҳ 1990 йил ва 1995 йилларда фахрли III ўринларни эгаллашди. Ҳозирги кунда туман терма жамоаси аъзоларининг ярми унинг шогирдларидир. Тошкент шаҳрининг «Чилонзор» жамоасига яна бир шогирди Учқун Жуманазаров қабул қилинди.

Президентимизнинг футболни ривожлантириш ҳақидаги фармонлари ана шундай спорт фидоийлари учун фойдали дастур бўлди. Бўлмаса жойлардаги айрим бу соҳага қизиқмайдиган «туралар» спорт ишларига ўзлари тушунмаган ҳолда ғов бўлиб туришган эди. Бундайлар ҳамон йўқ эмас. Сулаймон эсини танибдики чорак асрдан буён ана шундай «туралар» билан курашиб келади. Ундай раҳбарлар эса миллатимиз равнақини, ёшларимиз келажагини тушуниб етмайдиган тоифалардандир.

1979 йилда авиация ҳалокатига учраган марҳум пахтакорчилар Михаил Ан, Олим Аширов, Владимир Федоровлар билан бир гуруҳда бир вақтда хизмат қилган, Ўзбекистон жисмоний тарбия олийгоҳини тугатиб чиққан фидоий футбол устози бу йил 45 баҳорни қаршилаяпти. Унинг ҳали мақсадлари улкан. Ишонамизки, у ҳали халқимизга кўплаб маҳоратли спортчилар етиштириб беради. Яқинда янгидан ташкил этилган «Оққўрғон» футбол жамоасига бир овоздан бошлиқ этиб Сулаймон Бойбутаев сайланди. Бу ишончи у албатта оқлайди.

Т.МИРЗААҲМЕДОВ,
Ҳ.ҚАРШИБОЕВ.

• Спорт • Спорт • Спорт •

СОҲИБҚИРОН НОМИ БЕРИЛДИ

Мамлакат Футбол чемпионати бошланиши арафасида Тошлоқ тумани мухлислари ажойиб совғага эга бўлишди.

Фарғонанинг бу тумани вилоятда жисмоний тарбия ва спортга алоҳида эътибор берилаётган ҳудудлардан саналади. Тошлоқликлар спортнинг бир қанча турлари бўйича вилоят ва республика биринчиликларида муваффақиятли иштирок этмоқда. Туман марказида 15 минг томошабинга мўлжалланган янги уйингоҳни фойдаланишга топширилиши ҳам айни муддао бўлди. Қисқа муддатда барпо этилган бу уйингоҳ футболсевар тошлоқликлар учун муносиб туҳфа бўлди. Айниқса, уйингоҳга соҳибқирон Амир Темур номини берилганидан кўпчилик мамнун.

БИР ЙЎЛА ТЎҚҚИЗ ЙЎЛПЛАНМА

Юртимиз полвонлари Атланта олимпиадасига йўлланма олиш учун астойдил маҳорат кўрсатишди.

Йигитларимиз Хитойда ўтказилган Осиё чемпионатида мамлакат спорт шарафини муносиб ҳимоя қилдилар. Жумладан, эркин курашчиларимиздан Аҳмад Очилов, Борис Будаев, Олег Нанкиев, Руслан Хинчаговлар ўз вазнлари бўйича ғалаба қозониб, ғолиблик супасига кўтарилишди. Шунингдек, Дамир Заҳриддинов билан Рамил Исломовлар тўртинчи ўринни олишди. Юнон-рум кураши бўйича белашувларда ҳам вакилларимиз бўш келишмади. Чунончи, Григорий Пульяев иккинчи ўринни эгаллаган бўлса, Шамсиддин Ҳудойбердиев билан Шермуҳаммад Қўзиевлар учинчи бўлишди. Шундай қилиб, мукофотли ўринларни эгаллаган полвонларимиз олимпиадага бориш ҳуқуқини қўлга киритдилар.

ЧОРАК ФИНАЛЧИЛАР

Ўтган дам олиш куни Ўзбекистон кубоги учун ўтказилган якунловчи нимчорак финал учрашувларидан кейин курашни давом эттирувчи саккиз жамоа аниқланди.

Маълумки яна беш кундан кейин мамлакат футбол чемпионати байроғи кўтарилади. Ўзбекстон кубоги учун дастлабки босқич учрашувларини барвақт бошлангани эса чемпионатга ҳозирликни тобига етказишда ўзига хос аҳамият касб этди. Қизиги шундаки, совриндор учун кураш тасодифларга бой бўлади. Турли табақалардаги 42 жамоа ўртасида бошланган курашда ўтган йилги кубок соҳиби-«Янгиер» футболчиларининг уйидан чиқиб қолишлари кўпчиликни хайратга солди. Бу жамоа ҳатто нимчорак финалга ҳам чиқолмади. Чорак финалга чиқиш учун кураш бошлаган 16 жамоа ўртасидаги дастлабки учрашувларда эса қуйидаги ҳисоблар қайд қилинди. «Истиқлол» — «Нефтчи» — 0:9, «Прогресс» — «Чилонзор» — 1:1, «Нурафшон» — «Наврўз» — 0:0, «Пахтакор» — «Гулистон» — 1:0, «Навбаҳор» — МХСК — 0:2, «Насаф» — «Туқимачи» — 3:0, «Машъал» — «Трактор» — 0:0, «Дустлик» — «Шаҳрихон» — 2:0.

Мирзо АНВАР.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

«ШЕРХОН» ФИРМАСИ САЁҲАТГА ТАКЛИФ ЭТАДИ

Фирма фуқароларни Ҳиндистон, Эрон, Малайзия, Индонезия, Гон-Конг, Покистон, Сингапур, Туркия ва Бирлашган Араб Амирликлари мамлакатларига саёҳатга боришларини ташкил этади.

Бир ҳафталик саёҳатни уюштириш, хорижий мамлакатлар, шаҳар ва вилоятларни сайр этиш билан боғлиқ барча масалалар фирма орқали тез ва омилкорлик билан ҳал этилади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Беруний кўчаси, 1-уй. («Ғунча» кинотеатри ёнида).

Телефонлар: (3712) 42-08-80, 49-44-22.

«Майдонтол» ЛТД фирмаси тугатилади. Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой давомида қабул қилинади.

Ёдгор

Турмуш чорраҳаларида

-Санобар хола, ҳо Санобар хола.

Неваралари билан айвонда ўтирган Санобар хола:

-Ҳа, ҳозир, ҳозир. Ким у. Кираверинг,- деганича ўрнидан турди. Елкасига тушган шол рўмолини бошига илди-да, қўш тавақали яшил ранг дарвоза томон юрди. Дарвоза олдида Абдулла қассоб турарди.

-Ассалому алайкум! Хола, бардаммисиз?

-Ваалайкум ассалом, шукр. Қани, ичкарига киринг, болам.

-Раҳмат, хола, раҳмат. Шу хола, ипак қурти боқаётгандик. Барг етмай қоладиганга ўхшайди. Тутингиздан озроқ кесиб олсам дегандим.

Санобар хола ҳовли ўртасида ям-яшил бўлиб, энди гина мевасига шира кирган тутга қаради-да, сўлғин овозда:

-Кестирмайман, ўғлим,-деди.

-Икки боғ бўлса бўларди,- ялинди Абдулла қассоб.

-Йўқ,-гапни чўрт кесди Санобар хола.

Абдулла қассоб уйига қуруқ қайтди.

Ўша куни кечқурун Санобар холанинг тўнғич невараси машинасида келиб, уни қўрғон-қўймай уйига олиб кетди. Қудалар келишган экан. Лекин кечаси ухлай олмади. Тонгга яқин кўзи илинди. Туш кўрди. Тушида кимдир тут атрофини бир қур айланиб чиқди. Қулайроқ жойни танлаб ўтирди, бехосдан хоҳолаб кулди. Сўнг қулига болта олди-да, тутни чопа бошлади. Ҳар болта урганида тутдан тизиллаб қон отилармиш. Санобар хола «Ҳой, нега тутни чопаяпсан эрим экканди, чопма»,-дея ялинди. Ялинармишу овози чиқмасмиш. Ҳалиги кимса унга қарамай тутни чопаверди, чопаверди...

Босинқираган Санобар холани келини уйғотди.

-Ҳа, ойижон, сизга нима бўлди?

Санобар хола ўтириб олди. Кунгли ғашланганича ташқарига чиқди. Нонуштани чала қилиб, уйига шошилди.

Дарвозани очиб ичкарига кирди-ю, тутга қаради, тут кесилган. Меваси ер билан битта бўлган эди. Буларни кўриб Санобар холанинг кўзларидан дувиллаб ёш қуюлди.

Сўрамай тут кесиб кетган Абдулла қассоб кечирим сўрагани келди. Бироқ тутни қучоқлаб, унсиз йиғлаётган Санобар холани кўриб, ичкарига киришини ҳам, орқасига қайтишини ҳам билолмай қолди.

Холхўжа МИРЗАЕВ.

Ярми ҳазил-ярми чин

«НОШУКУР БЎЛМАЙЛИК»...

Миш-мишларга қараганда чет эллик олимлар Қарши шаҳрига келиб, телефон ва унинг инсон организмига таъсирини ўрганишганмиш. Ўзлари билан ярим вагон аппаратларини ҳам олиб келишган экан. Қизиқ, эринмаганларини қаранг. Шунча жойдан Қаршига овора бўлиб келиб нима қилишаркан, бошқа эрмаги йўқми? Ўша олимлар бу шаҳарда телефонда ҳар куни гаплашадиган кишиларга қараганда гаплашмайдиганлар келажакда ун йил эмас умр кўришлари мумкинлигини аниқланганмиш.

Ана сизга хулоса. Тинмай-тинчимаган одамлар нималарни ўйлаб топишмайди дейсиз? Шу гапга ишониб бўладими? Кимнинг қанча яшашини ёлғиз худо билади.

Ҳаёл ҳар қаёққа олиб кетади-да. Лекин «шамол бўлмаса дарахтнинг учи қимирламайди», деган нақл ҳам бор-да. Олимларнинг келиб текширган-текширмаганлигини билмайман-у, аммо телефон масаласида оз-моз камчилигимиз бор. Айрим гажир мухбирлар бир пайтлар телефоннинг катталари билан роса «солишишганди». Шунча можародан кейин ҳам ҳеч гап бўлмади. Телефоннинг катталари «ютишди». Телефонлар ҳам қилиқ устига қилиқ чиқарадиган бўлишди. Бирон кишига қўнғироқ қилмоқчи бўлсангиз ярим соат- бир соат уринишингиз керак. Рақамни терсангиз телефон трубкаси «миқ» этмай тураверади, ёки доим «банд» сигнали келади. Адашиб тушиб қолиш, бошқа гаплашаётганлар билан «қўшилиб қолиш»га одамлар ўрганиб кетишган. Айниқса, «5» рақами билан бошланадиган телефон эгаларига «мазза». Трубкани кўтаришлари билан кимдир тиқирлатиб номер тераётганини эшитишади. «Қўйиб туринг, ўртага тушиб қолдингиз!», «Сиз қўйинг...»

Ҳозир шаҳар телефонларининг катталарини ҳеч ким безовта қилмай қўйган. Барибир ютказишларини билишади-да! Айримларнинг кучи фақат шикоятга етган: «Бирон жой билан гаплашаман десанг, гўшакдан ашула эшитилади, радиони улаб юборишибди». Келинг биродарлар, ношукур бўлмайлик. Ҳалиям телефончиларимизнинг инсофи бор, одамгарчиликни билишади.

Муродилла КЕНГБОЕВ.

ИШОНЧ

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ КЕНГАШИ

Бош муҳаррир
Саидакром САИДВАЛИЕВ

Бош муҳаррир қабулхонаси — 56-25-36
Бош муҳаррир ўринбосари — 56-52-89
Масъул котиб — 56-52-78

БЎЛИМЛАР

Касаба уюшмалари ва мухбирлар билан ишлаш — 56-82-79. Социал адолат, иқтисодий ҳаёт, маданият, маънавият ва хатлар —56-87-78, 56-87-63. Ишлаб чиқариш ва хўжалик — 56-85-43

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

Андижонда — 5-23-10. Бухорода — 3-50-10. Гулистонда — 2-24-98. Жиззахда —3-82-18. Навоийда —3-41-99. Наманганда — 6-22-10. Нукусда — 2-44-46. Самарқандда — 35-64-22. Термизда — 2-70-07. Тошкентда — 56-82-79. Фарғонада — 24-58